Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 66 (20.034) • 1988 йил 20 март, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ЮГОСЛАВИЯГА ВИЗИТИ ТУГАДИ

ДУБРОВНИК, 18 март. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Югославия раҳбарлари билан якунловчи суҳбати бўлиб ўтди.

ЮКС Марказий Комитети Президиумининг Раиси Б. Крунич М. С. Горбачевнинг визити якунларига, имзоланган Совет — Югославия ҳужжатларига Югославиядагилар юксак баҳо бераётганликларини таъкидлади. Партия ва давлат раҳбарларининг фикрича, деди Б. Крунич, визит ўзи билан боғлиқ бўлган барча умидларни тўла-тўкис оқлади. Биз аҳдлашиб олган масалаларнинг ҳаммаси барча даражадаги амалий ишларда рўёбга чиқарилади.

Икки томонни қизиқтирувчи масалаларни ҳар томонлама рўй-рост муҳокама қилиш ҳамкорлигимизни бойитади, деди ЮСФР Президиумининг Раиси Л. Мойсов.

М. С. Горбачев айтилган фикрларга қўшилди. Биз катта сиёсий ва иқтисодий проблемаларни батафсил кўриб чиқдик, бу проблемаларнинг ҳал қилиниши социализм имкониятларини тўлароқ намоён этишга имкон беради. Мамлакатларимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олганда кўп масалаларда бизнинг баҳоларимиз ўхшаш бўлмоқда. Бу эса партияларимиз ва халқларимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Биз, деб таъкидлади М. С. Горбачев, бир-биримизга хушомад қилганимиз йўқ, балки конкрет масалаларни ҳал этдик, келажак ҳақида ўйладик, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун негиз яратдик.

Қабул қилинган декларация аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан чиқиб кетади. Унда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида қизиқиш уйғотаётган масалалар тилга олиб ўтилган. Биз социализмни ривожлантиришнинг асосий проблемалари юзасидан Совет — Югославия мулоқотини чуқурлаштириш, тажриба айирбошлашни камайтириш, партия йўли билан ва илм-фан йўли билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Музокаралар чоғида ҳозирги халқаро аҳвол хусусида бир-бирига мос келадиган фикрлар айтилди. Бу эса тинчликни мустаҳкамлашга, халқаро муҳитни соғломлаштиришга мамлакатларимиз биргаликда қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга умид қилиш учун асос бўлади. Биз, деди М. С. Горбачев, югославиялик ўртоқлар билан эришилган аҳдномаларни фаоллик ва собитқадамлик билан амалга ошириш ниятидамиз.

* * *

М. С. Горбачев Совет — Югославия музокаралари тугагандан кейин 18 март куни Дубровник шаҳрининг тарихий-маданий ёдгорликлари билан танишди. Одамлар шаҳар кўчаларига чиқиб, кутиб туришарди. Улар Совет раҳбари билан қўл бериб кўришишга интилишарди, уни табриклаш, самимий истакларини билдириш учун тўхтатишарди. Кимдир: «Қай-та қу-риш!» деб баралла такрорлади. Одамлар совет халқига самимий салом топширишни илтимос қилишар, жамиятни янгилаш ишида муваффақият тилашар, совет халқи билан дўстликни мустаҳкамлаш истаги тўғрисида гапиришар эдилар.

* * *

ДУБРОВНИК, 18 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ЮСФРга қилган расмий дўстлик визитини тамомлаб, бугун Дубровникдан Москвага жўнаб кетди. У ЮСФР Президиуми ва Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг таклифига биноан шу мамлакатга келган эди.

М. С. Горбачев ва унинг рафиқасини ЮСФР Президиумининг раиси Л. Мойсов рафиқаси билан, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг раиси Б. Крунич рафиқаси билан, ЮСФР ва ЮКС Марказий Комитети президиумларининг аъзолари, Хорватия Социалистик Республикасининг раҳбарлари кузатиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Бош секретарнинг ЮСФРга сафари чоғида унга ҳамроҳлик қилган бошқа расмий кишилар М. С. Горбачев билан бирга жўнаб кетдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 18 март куни Дубровникдан Москвага қайтиб келди. У ЮСФР Президиуми ва ЮКС Марказий Комитети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Югославияда бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Г. Х. Шахназаров М. С. Горбачев билан бирга келдилар.

Внуково аэродромида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари О. Д. Бакланов, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг раиси И. В. Капитонов ва бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ЮСФРнинг СССРдаги муваккат ишлар вакили Д. Лазич бор эди.

(ТАСС).

ДЕМОКРАТИЯНИ ЎРГАНАЙЛИК

Биз совет жамиятини туб революцион қайта қуриш даврида яшамоқдамиз. Унинг мақсадлари ва мазмунини лўнда қилиб айтадиган бўлсак, у «социализм кўпроқ бўлсин, демократия кўпроқ бўлсин»дир.

Бугунги кундаги асосий вазифа — уни конкрет амалий ишларга, меҳнат коллективлари фаолиятига, одамлар ҳаётига сингдиришдан иборат. Улар демократияни барча соҳаларда ривожлантиришлари, ўрганишлари, жамиятимизни ҳар томонлама тараққий эттиришни амалда таъминлашлари лозим.

«Демократиялаш, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев, — социализмнинг ленинча концепцияси моҳиятининг ўзига мос келади. У жамиятимизга Октябрь революциясини амалга оширишдан кўзда тутилган олий мақсадларга эришиш имконини беради». Шуни қувонч билан қайд этиш лозимки, демократияни ривожлантириш ҳозирдаёқ ҳаётимизга кўплаб янгиликларни олиб кирмоқда.

Яқинда Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорлиги лавозимига Бутуниттифоқ конкурси ўтказилди. Ишчилар ўзлари хоҳлаган кишини коллективга раҳбар қилиб сайладилар. Бундан беш-олти йил олдин шундай бўлиши мумкинлигини ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

Эндиликда район ва шаҳар партия комитетлари секретарлари ҳам жойларда бир неча номзод ичидан яширин овоз билан сайланмоқда. Республикамизда кўпгина партия йиғилишлари ва партия комитетларининг пленумлари ишчанлик, ошкоралик руҳида, ҳар қандай дабдабадан ҳоли тарзда ўтяпти. Бундай муҳит олдинда турган вазифаларни ва муаммоларни чуқур, атрофлича муҳокама қилиш, аниқ-равшан қарорлар қабул қилиш имконини бериш шубҳасиздир.

Бироқ шуниси сир эмаски, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми арафасида ўтказилган айрим йиғилишлар ва пленумлар коммунистлар ва меҳнаткашлар кенг табақаси активлигини янада оширишнинг таъсирчан воситаси бўлолмади. Чунки, демократиялаш жараёнларининг моҳиятини кўриб жунжиқаётган кишилар орамизда бор. Баъзилар эса демократия тартибсизликка айланиб кетмасин-да, деб хавфсирамоқдалар ҳам. Улар жамият учун ҳаётий муҳим бўлган муаммолар ҳусусида асло хавфсираётганлари йўқ. Улар асосан ғаразли мақсадлари ҳақида жон куйдирмоқдалар. Коммунистлар, айниқса, раҳбар составга мансуб партия аъзолари учун бундай қилиш мутлақо нотўғри позициядир.

Барча соҳаларда бўлгани каби бу ишда ҳам партия комитетлари демократизм намунасини кўрсатиши керак. Лекин, очиқ тан олиш керак, бу ерда қайта қуриш ҳар доим ҳам силлиқ боряпти, деб бўлмайди. Сабаб! Кўпгина партия комитетлари, уларнинг аппарати жуда чуқур илдиз отиб кетган эски иллатлардан бири—буйруқбозлик усулларига рўжу қўйганлар, ҳаммага кўрсатма бериш, ҳамма учун масалаларни ҳал этишга интиладилар. Бундай вазиятда инсон имкониятларининг беқиёслиги ва хилма-хиллигини, унинг манфаатларини, қобилиятини қандай қилиб сезиш ва ҳисобга олиш мумкин!

Лекин бу мутлақо зарур вазифа. КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми минбаридан туриб қатъий равишда, партия қайта қуришнинг янги босқичида фақат ишнинг демократик усулларидан фойдаланиб, ўзининг авангардлик, раҳбарлик ролини таъминлаш, оммани туб ўзгартиришларга сафарбар этиши мумкин, деб айтилди.

Қайта қуришни омма ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У социалистик ўз-ўзини бошқарувни ҳар томонлама ривожлантиришни, ташаббускорликни рағбатлантиришни, интизом ва тартибни мустаҳкамлашни, ошкоралиқни кенгайтиришни талаб қилади. Фақат бизнинг демократиямизгина халқ оммасига сиёсатга таъсир ўтказишнинг, мамлакат ва тинчлик иши манфаатлари йўлида ижод қилишнинг реал имкониятларини яратади. Қайта қуришнинг биринчи босқичи, дастлабки самаралари буни зўр куч билан исботлади. Бинобарин, жамоат ташкилотлари, ижодий союзларнинг иши сезиларли даражада жонланди.

Ишлаб чиқаришда демократия кучаймоқда, омманинг муҳим қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишни назорат этиш имкониятлари кўпаймоқда. Турмушимизнинг, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг энг ўткир, ҳаётий, долзарб муаммоларини очиқ-ойдин муҳокама этиш, меҳнаткашларнинг уй-жой ва маданий қурилиш планларини шакллантиришда, халқ маорифини, соғлиқни сақлашни, социал-маиший соҳани такомиллаштиришда манфаатдорлик билан қатнашишлари одат тусига кирмоқда. Пахтачиликни ривожлантириш, Орол денгизини сақлаб қолиш, демографик вазият ва бошқа етилган масалалар ҳақида ҳам ошкоралик руҳида сўз юритилмоқда.

Демократиялаш, қайта қуриш шарофати билан «қўйи»дан бўлаётган ташаббуслар меваси сифатида бир қатор жамоат ташкилотлари, ташаббускорлар гурппалари вужудга келмоқда. Маданият фонди, Болалар фонди, Музика жамияти — шулар жумласидандир. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг самарали бўлиши совет кишилари умумий сиёсий маданиятига, соғлом маънавий муҳитни яратишга, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга, халқ ташаббускорлигига боғлиқ. Демократия маданияти жамиятнинг барча соҳаларида, барча даражалардаги ишларда намоён бўлиши лозим.

Кишиларнинг Ватан маданияти тақдири тўғрисида жон куйдиришлари, табиатни муҳофаза қилишга, миллий анъаналар ва қадриятларни авайлаб-асрашга бўлган интилишлари таҳсинга лойиқ. Шу муносабат билан ғоявий фронт жангчиларимиз олдида мураккаб вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Улар омма билан жонли иш олиб боришни ўрганишлари, мунозараларга дадил киришишлари керак. Активлик, ҳужжатлорлик, билимдонлик, соғлом мунозаранси олиб бора билиш маҳорати, томонларнинг барча фикр-мулоҳазаларини тинглай олиш, энг муҳими ҳамма нарсада халоллик — бизнинг агитаторларимиз ва пропагандистларимиз амал қилишлари шарт бўлган фазилатлардир. Бунда совет ватанпарварлиги интернационализм билан, коммунистик эътиқод билан, қатъий синфий позиция билан узвий боғлиқ эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаслик зарур.

Давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор группалар уюшмалари ўртасида самарали алоқа ўрнатиш учун кўп иш қилиш керак. Бу — партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Гап бу ерда бир ташкилотни бошқаси билан алмаштириш тўғрисида эмас, балки уларнинг қайта қуриш манфаатлари йўлида, социализмни такомиллаштириш манфаатлари йўлида биргаликда амалий ишлашлари ҳақида боряпти.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Партия анжуманини кутиб олиш жараёнида янги-янги ташаббуслар, ғоялар ва таклифлар вужудга келмоқда. Омма ижодкорлиги қандай шаклда намоён бўлмасин, уни қўллаб-қувватлаш лозим. Энг асосийси — меҳнаткашлар кенг оммаси диққат-эътиборини етилган муаммоларга қаратиш, уларни амалий ҳал этиш йўлларини қидириб топишга сафарбар этиш керак. Худди шунинг ўзи амалдаги социалистик демократиядир. Зеро, халқ — қайта қуришни ҳаракатлантирувчи, рўёбга чиқарувчи етакчи кучдир.

Бугунги сонда:

● ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА КУТАРИЛГАН КОРХОНАДАН МАКТУБ 2-БЕТ

● КУПМИЛЛАТЛИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ДУСТЛИГИНИ КУЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАЙЛИК! 3-БЕТ

● БУГУН «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» СОВРИНИ УЧУН МУСОБАҚА БАЙРОҒИ КУТАРИЛАДИ 4-БЕТ

16 АПРЕЛЬ — коммунистик шанбалик куни

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

✦ Гурлан пахта тозалаш заводи меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида москваликлар қилган даъватга қизғин жавоб бердилар.

Корхонада тузилган меҳнат байрамига тайёргарлик штаби ўз ишини бошлаб юборди. Бутун завод аҳли эса «Қизил шанбалик» ҳисобига 60 тонна толани бепул ишлаб бермоқчи. Бу эса топшириқдагидан олти тонна кўпдир. Ишлаб топилган ҳамма маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

ФАОЛЛИК НАМУНАСИ

✦ Андижон локомотив депосида ўтказилган митинг шаҳардаги барча меҳнат коллективларига қарата мурожаат қабул қилиш билан якунланди. Темирйўлчилар ўз юртдошларини 16 апрелда В. И. Ленин туғилган кун шарафига коммунистик шанбаликда фаол қатнашишга даъват этдилар.

Депо коллективи куни кеча пландан ташқари тўртта тепловози ремонт қилишга киришди. Айни вақтда ленинча шанбалик куни ўнта юк ва учта пассажир поездини таъминлашга етадиган ёнилғини тежаб қолиш фонди тузиш мажбуриятини қабул қилишди. Локомотив бригадалар эса шу кунгача беш миллион тонна-километр ҳажмида иш бажаришга ваъда бердилар.

Меҳнат байрами куни 560 киши шанбаликда қатнашиб, шулардан 510 нафари бевосита ўз иш жойида меҳнат қилади. Қолганлар эса депо территориясини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари билан шуғулланадилар.

(ЎзТАГ).

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ IV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИ

ОИЛАВИЙ ПУДРАТ ҚУДРАТИ

Наманган районидаги Ф. Э. Дзержинский номли колхозда Дилбар Юсупованни яхши билишади. Ўз касбининг устаси. Янгиликни дадил ўрганади. У эришаётган ютуқларининг бонси ҳам шунда.

Дилбар Юсупова бундан икки йил муқаддам онлавий звено тузди. Звено пудрат усули асосида иш юритиб, у юз бузоқни парваришлямоқда. Чорвадорлар озуқа рационига амал қилиб, моллари семиртиришга эришмоқдалар.

Хўжаликда Д. Юсуповаининг ташаббуси қўллаб-қувватланди. Озуқа тайёрлаш участкасида ҳам онлавий пудрат асосида иш олиб борилмоқда. Натижада бир ярим йиллик миқдорида озуқа запаси жамғарилди. Хўжаликда кейинги икки йил ичида чорвачилик маҳсулдорлиги беш баравар ошди.

Ташаббускор чорвадор Д. Юсупова жамоат ишларида фаол қатнашаётир: Наманган район партия комитети аъзоси, халқ депутатлари қишлоқ Советининг депутатидир. Ў Ватанимиз пойтахти Москвада бўладиган колхозчиларнинг Бутуниттифоқ съездида иштирок этади.

Суратда: Дилбар Юсупова.

А. Ковтун ва Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

ҚАЙТА ҚУРИШГА—ЯНГИЛАНИШ ИДЕОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 19 март куни бўлиб ўтган кенгашда республика ижодкор зиёлиларининг, илмий-педагогика коллективларининг қайта қуриш янги босқичидаги, демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳот жараёнларини ривожлантириш шароитидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленумининг ҳужжатлари, Марказий Комитет Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу Пленумдаги нутқи совет жамиятининг маънавий турмушига қудратли туртки берганлиги, социализм назарияси, тарихи ва практикасининг энг муҳим масалаларини илгари сурганлиги, маориф ва тарбиянинг бутун системасини тубдан такомиллаштириш вазифаларини энг муҳим умуммиллий масалалар даражасига кўтарганлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми янгиланиш идеологиясининг энг зарур масалаларини асослаб берди . Инсоннинг бутун турмуши, режалари ва муаммолари ҳозир ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишнинг марказига қўйилиши керак. Инсоннинг ижодий, омилқор ишлаши—жадаллаштиришимизнинг асосидир, қайта қуришга муқаррар тус бериш омилидир.

Ҳозир кадрларнинг билимдонлигини ошириш, раҳбарликнинг янги иқтисодий усулларини эгаллаб олиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Партия ташкилотларининг фаолияти халқит бериш механизмини синдириб ташлашга, бошқарувнинг чинакам иқтисодий усулларини жорий этишга қаратилган. Беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини сўзсиз тўлдириш, қудратли ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятидан юксак самарали фойдаланиш, Ўзбекистоннинг мамлакатнинг миллатлараро муносабатлар билан, ёш авлодни интернационализм руҳида тарбиялаш билан боғланиши мана шундай муаммолардан биридир. Ўзбекистонда сарқит бўлиб қолган, моҳият эътиборидан ленинча сиёсатни сохталаштирадиган юзаки, дабдабали интернационализм шуни кўрсатдики, агар муаммоларни ҳал этишдан бўйин товланадиган бўлса, улар узлуксиз кўпайиб бораверади. Ҳаммамиз — партия ходимлари ҳам, олимлар ҳам, маданият арбоблари ҳам интернационал тарбияга ва миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига муаммосиз жараён деб қарашдан иборат эскирган фикрлардан воз кечадиган пайт келди. Кўпгина партия ва совет кадрлари, фан ва маданият ходимлари социал-демографик вазиятни дуруст билмасликлари, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг моҳиятини юзаки тасаввур этишлари бизни ташвишга солмоқда. Баъзи бировлар ҳамма нарсани яхши қилиб кўрсатишга ўринмоқдалар, одамларнинг миллий психологиясини, унинг ўз ривожланиши мураккаб даврини бошидан кечираётган республикадаги ҳозирги конкрет вазифа билан алоқадорлигини мутлақо эътиборга олмаяптилар. Баъзи кишилар, шу жумладан масъул мансабдор шахслар маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик, социал соҳада тайёрга айёрлик кўринишларига қарши, баъзан эса ошкора миллатчилик хатти-ҳаракатларига қарши кескин курашмаяптилар.

Одамларнинг соғлиғи билан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган ҳамда олий даражада малакали равишда вазминлик билан ҳал этишни талаб қиладиган мураккаб ва кенг миқёсли масалалар баъзан жўн тарзда, васвасали оҳангда талқин этилишига йўл қўйиб бўлмайди. Баъзан ҳис-ҳаяжон ва миш-мишлар фактлар ва далил-исботларни кўмиб юбормоқда, жазавага, гўё Ўзбекистон узра пайдо бўлган хавф хусусидаги дод-фарёдларга айланиб кетмоқда. Марказий газета ва журналлар баъзи салбий ҳодисалар ҳақида берган хабарларни республикага қилинган қандайдир туҳмат, деб баҳолаш ҳам мутлақо масъулиятсизликдир.

Ўзбекистондаги мураккаб социал-иқтисодий вазиятни рўкач қилиб, ўзининг жиззакилик кайфиятларини қайд этишга ёки миллий маҳдудлик руҳидаги ғояларини ўтказишга уринаётган кимсаларга жуда кескин зарба беришни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Биз ҳар қандай баҳоналар кўрсатилганда ҳам социалистик идеология принципларидан, халқнинг интернационалистлик ва ватанпарварлик анъаналаридан воз кечмаймиз, дейилди кенгашда.

Миллий муаммолар соф ҳолда учрамайди. Улар ҳамиша иқтисодий муаммолар, кадрларга оид муаммолар, социал, маънавий муаммолар билан чамбарчас чатишиб кетган. Тайёрга айёрлик ёки миллий ўзига хосликни кўпиртириб кўрсатиб, диний хурофотларни рўкач қилиш заминида вужудга келадиган турли-туман гуруҳчилик ва уругчилик муддаолари ҳамда нафсониятлари ҳам шу билан боғланган. Феодал-патриархал ўтмишни безаб кўрсатиш, демократик ҳодисалар билан реакцион ҳодисаларни муросага келтириш, социализмгача бўлган ҳодисаларни социалистик ҳодисаларга қарама-қарши қўйиш йўлидаги уринишлар ҳам шу билан боғланган. Бизнинг интернационалистик негизларимизга хавф солаётган лойқа тўлқин оқимлари аслида мана шулардан келиб чиқмоқда, биз ташкилотчилик ва сиёсий ишларда бутун диққат-эътиборни мана шуларга қаратишимиз керак.

Тарбиявий ишда республика аҳолисининг кўпмиллатли состави ҳамиша ҳам эътиборга олинаётгани йўқ, кўпинча ҳамма нарса юбилей тадбирларидан иборат қилиб қўйилмоқда.

Икки тиллиликни янада ривожлантириш, республика аҳолисининг ҳам она тилини, ҳам миллатлараро алоқанинг муҳим воситаси бўлмиш рус тилини ўрганиши катта аҳамиятга эга. Марказий Комитетнинг фикрича, ўқув юртларида қайси тилда ўқиш тўғрисидаги масалада ҳеч қандай имтиёзлар ёки чеклашларга йўл қўйиб бўлмайди. Ота-оналар ўз фарзандларини қайси тилда ўқитишни ихтиёрий танлаб олиши принципидан воз кечиш, маъмуриятчилик қилиш миллий масаладаги демократик принципларни бузишга олиб борган бўлур эди.

Болаларда она тилига меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, уни ўрганиш ва ўқитишни яхшилаш кераклиги шубҳасиз. Аммо шу билан бирга она тилига ҳаққоний меҳр-муҳаббат тил шовинизмига айланиб кетмаслиги жуда муҳимдир, афсуски, баъзи ёзувчилар ва олий ўқув юртлари муаллимлари орасида шу ҳол яққол намоён бўла бошлади.

Биз миллий хурофотларни авж олдиришда, эскирган миллий урф-одатларни ва патриархалчиликни идеаллаштиришда диннинг ролини хаспўшлаб кўрсатишга ҳам тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаймиз. Миллатчиликнинг, миллий маҳдудлик ва такаббурликнинг, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишлари халқларнинг қардошларча дўстлигига, жамиятимизнинг интернационал бирлигига ҳамла, деб ҳисобланиши керак.

Кенгашда эътибор ўзбек халқининг ва мамлакатдаги бошқа халқларнинг ўтмишига нисбатан одамларда синфий ёндашишни шакллантириш зарурлигига қаратилди.

Тарихий хотирани сақлаб қоладиган ва ривожлантирадиган халқнинг тарихий онгини шакллантирадиган тарих воситасида тарбиялаш эндиликда олдинги ўринлардан бирига қўйилмоқда. Республика меҳнаткашларининг ўтмишга мислсиз қизиқиши воқеаларнинг замирини тушуниб олишга, умуман тарихий онгни кучайтиришга интилиш, ижобий ҳодисалардир. Тарихимизда ёритилмай қолган катта босқичларни ойдинлаштириш, вақтинча лик манфаатларни кўзлаб иш тутишга, тарихий жараённи шахсларсиз кўрсатишга чек қўйиш истаги ҳам ижобий ҳодисадир.

Шу билан бирга тарихий мавзулардаги мунозаралар чоғида бир талай беҳуда, ғўр, шов-шувга сабаб бўлувчи гаплар ҳам пайдо бўлиб қолганлигини англаб олиш зарур. Фактларни, воқеаларни, тарихий шахсларнинг фаолиятини ёритишда қуюшқондан чиқишга йўл қўйилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшириғига мувофиқ Е. К. Лигачев, Л. Н. Зайков, М. С. Соломенцев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Г. П. Разумовский, А. И. Лукьянов ўртоқлар 18 март куни Москвада ишлаётган озарбайжон ва арман миллатларига мансуб фан ва маданият арбоблари билан учрашдилар.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти директорининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори М. П. Мичедлов, СССР геология министрининг биринчи ўринбосари, геология-минерология фанлари доктори Ф. К. Салмонов, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари СССР Фанлар академиясининг академиги С. А. Ситарян, СССР халқ артисти М. М. Магомаев, «Новости» Матбуот агентлиги правленияси раисининг ўринбосари тарих фанлари доктори К. А. Хачатуров, «Вопросы истории» журналининг бош редактори СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Искандеров, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари, тарих фанлари доктори К. Н. Брутенц, СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази-нинг катта илмий ходими медицина фанлари доктори А. А. Гажиев сўзга чиқдилар.

Тоғли Қорабоғ автоном областидаги воқеалар, Арманистон ва Озарбайжон ССРда юз берган вазият муносабати билан жиддий ташвиш билдирилди. Учрашув қатнашчилари вазиятни нормаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитети кўраётган чора-тадбирларни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Озарбайжон ва Арманистон меҳнаткашларига, халқларига мурожаати Тоғли Қорабоғ билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишга ёндашишда ғоят муҳим сиёсий ҳужжат эканлигини таъкидладилар. Бу ҳужжат республикалар, мамлакат осойишталиги тўғрисида катта ғамхўрлик билан йўғрилган бўлиб, ҳар бир соф виждонли киши учун, буюк Ватанимизнинг ҳар бир чинакам ватанпарвари учун дастуриламалдир.

Учрашувда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда ўтмишдан қолган қийинчиликлар борлиги, вақт ўтиши билан юзага келаётган муаммолар ҳам борлиги ҳақида рўй-рост гапирилди.

Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари тўпланиб қолган масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқишга, вазиятни Озарбайжон ва Арманистон ССРда яшаётган барча миллат меҳнаткашлари манфаатларини кўзлаб, бутун совет жамияти манфаатларини кўзлаб соғломлаштиришнинг энг тўғри йўлларини кидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Учрашув қатнашчилари амалий таклифлар киритдилар, бу таклифлар эътибор учун қабул қилинди ва улар региондаги иқтисодий, социал ва маънавий турмуш муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради.

Бунинг учун у ерда тегишли қулай амалий муҳит, ўзаро ишонч ва ҳурмат бўлиши керак. Туйғулар, қолоқ қайфиятлар устун келишига йўл қўйиш мумкин эмас. Одамларни тўқнашишга, ишни тўхтатишга олиб борадиган ҳар қандай ҳаракатларга зарба бериш лозим.

Озарбайжон ва Арманистон халқлари совет халқлари катта оиласида социалистик ўзгартишлар учун умумий курашнинг мустаҳкам ришталари билан боғланган-дирлар. Республика меҳнаткашлари, бу республикаларда яшовчи барча миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ҳозир ҳам, келажакда ҳам кўпгина вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг сўзсиз шартидир, умумий осойишталигимиз ва фаровонлигимизнинг гаровидир.

Йиғилиш аҳли ҳузурида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Е. К. Лигачев ва Л. Н. Зайков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари В. И. Долгих ва Г. П. Разумовский ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетида Е. К. Лигачев Тоғли Қорабоғ автоном области меҳнат коллективлари вакиллари группаси билан ҳам батафсил суҳбатлашди.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШГА—ЯНГИЛАНИШ ИДЕОЛОГИЯСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Фитрат ва Чўлпоннинг ижодий мероси республика матбуоти саҳифаларида завқ-шавқ билан, бир ёқлама талқин этила бошлади. Ҳолбуки, улар адабиётшуносликка оид ва шеърий асарлар, Пушкин ва Шекспирдан таржималар қолдириш билан бирга, пантуркизм ва миллий маҳдудлик мафкурасини ҳам қолдирганлар.

Республика Фанлар академияси, унинг гуманитар институтлари қайта қуришда активроқ позициясида туришлари лозимлиги таъкидланди. Илмий кадрлар бир қисми орасида зўр бериб ишлатилаётган янги иборалар тадқиқотларнинг реал ҳаётдан ажралиб қолганлигини ҳамда мавжуд проблемаларни, мужмал, кўпинча монографиялар ва диссертацияларни баъзи илмий муассасаларда ошкораликнинг йўқлигини, айрим раҳбарлар ўртача даражадаги ишларни кўзда тутаётганликларини, кадрларнинг профессионал ва ижодий жиҳатдан яроқсизлигини, қабул қилинган қарорларнинг ящирилганлигини ниқоблай олмайди. Жамиятшунос олимлар мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, олий ўқув юртлари учун дарсликлар яратишда деярли иштирок этмаяптилар.

Қайта қуриш идеологиясини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Шуни айтиш керакки, республика матбуоти марказий матбуотдан бироз кечикиброқ бўлсада, муаммолар тўғрисида бирмунча омилкорлик билан ва таҳлилий гап юрита бошлади. Матбуот демократиялаш ва ошкоралик жараёнларини маълум даражада жадаллаштирди, меҳнаткашларнинг социал-сиёсий активлигини уйғотди. Журналистлар жанговар кайфиятни, камчиликларга нисбатан муросасизликни кучайтирдилар, ўткир мавзуларни дадил кўтариб чиқа бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журналистларимизнинг қайта қуришга қўшган реал ҳиссаларига муносиб баҳо бермоқда.

Аммо газеталарда босилган мақолаларда хатолар, ноаниқликлар ҳали кўп учрамоқда, улар газетхонлар қалбида кўнгилсиз из қолдирянти, тушунмовчиликни келтириб чиқармоқда. Бу эса журналистларнинг етарли билимдон эмасликларидан далолат беради.

Қайта қуришнинг дастлабки босқичида бўлгани каби ҳозир республика оммавий ахборот воситаларидан олий даражадаги билимдонлик, таҳлилларнинг теранлиги ва пухта ўйланганлиги, қайта қуриш шароитида ишлашнинг ҳаётий тажрибасини, туб иқтисодий ислоҳотни пропаганда қилиш, кенг фикрлаш, партиявий дадиллик билан, принципиал, рўй-рост ёзиш маҳорати талаб қилинади.

Марказий Комитет ижодий меҳнатнинг бадиий савиясини ҳар томонлама ошириш, ибтидоийлик йўлини тўсиш керак, деган йўлга қатъий амал қилаверади. Бироқ чуқур партиявий ғоявийлик ва юксак бадиийлик қўшилган тақдирдагина бадиий асарнинг чинакам қимматли бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги ошкоралик шароитида республика партия комитетлари, ижодий союзлари ва уларнинг партия ташкилотлари аниқ ғоявий позицияда туришлари, маънавий ҳаётимизнинг партиявий, социалистик принципларини қарор топтиришлари, маънавийлик йўқлигини ва разилликни, ёт қарашлар ва идеалларни ўтказишга ҳар қандай уринишларни фош қилиш керак.

Марказий Комитет Бюроси яқинда ёзувчилар союзида, бир қанча ўқув юртларида ва илмий муассасаларда кўзга ташланган баъзи нонормал ҳодисаларга принципиал баҳо берди. Ижтимоий тузумимизнинг негизини ташкил қилувчи принциплар тилга олинаётган пайтда, партия ва давлатнинг интернационалистик йўлини шубҳа остига олишга уринишаётган пайтда айрим раҳбар ходимларнинг лом-мим демай туриш ёки мунозарадан қочиш истаги КПСС Устави талабларига зиддир.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётида ижобий, кўпинча эса зиддиятли жараёнлар бормоқда. Ҳаёт ҳеч қачон адабиёт ёки санъат арбоблари қўлига шунча муаммони, шу қадар хилма-хил материалларни тутқазмаган эди. Маданият арбоблари турмушга дадил кириб бориш-ларига, ҳозир амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида, қайта қуриш ва жадаллаштириш учун намунали курашчилар тўғрисида асарлар яратишга, коммунистик дунёқарашни, интернационализм ва халқлар дўстлиги туйғуларини тарбиялашга қўмаклашишларига республика партия ташкилоти жуда муҳтождир.

Кенгашда республика ижодий союзларидаги ишларнинг аҳволи партиявий талабчанлик билан таҳлил қилиб берилди.

Республикада аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш соҳасида ҳал этилмаган муаммолар жуда кўп. Партия зиёлилари ана шу муаммоларни ҳал этишга фаол ва конкрет тарзда қўшилишларига умид қилади.

Қайта қуришни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш учун республика олий ўқув юртларидаги ишларнинг аҳволини қатъият билан ўзгартириш муҳимдир. Бу соҳада муаммолар тўпланиб қолганлиги сабабли халқ хўжалигини мутахассислар билан таъминлашда ўта номутаносиблик пайдо бўлди. Кадрлар тайёрлаш сифати жамият эҳтиёжларига мос келмай қолди. Аммо гап фақат шунинг ўзида эмас. Олий ўқув юртларида авж олиб кетган порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, фитнабозлик, бузғунчилик, миллатчилик касали ўринли ташвиш уйғотмоқда. Бир қанча олий ўқув юртларида раҳбарликнинг ўзбошимчалик буйруқбозлик усули, масалаларни жамоатчиликнинг иштирокисиз ширинча ҳал этишга уриниш давом этмоқда. Шу муносабат билан Тошкент политехника институти раҳбарлари танқид қилинди.

Зиёлиларнинг барча табақаларида дунёқараш етуклиги ва профессионал қадр-қимматнинг ўсишига фаол ёрдам бериш, пасткам фикрларга, носоғлом рақобатчиликка ҳар томонлама қарши туриш маданият, фан ва маориф соҳасида қайта қуриш борасида партия комитетларининг энг муҳим вазифаси бўлиши лозим. Шу билан бирга чинакам демократизм нормаларини изчиллик билан жорий этиш, истеъдод эгаларининг беллашувини рағбатлантириш, катта ижодий ва ҳаётий муаммолар муҳокама қилинишини рағбатлантириб бориш зарур.

Мавжуд камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар маданий ҳаётда қайта қуришни қатъий чуқурлаштириш, бу соҳада партиявий-сиёсий ишларни КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми талаблари даражасига қатъият ва изчиллик билан кўтариш зарурлигидан далолат бермоқда.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси О. Ёқубов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Л. Н. Грязнова, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари М. Қаюмов, «Правда Востока» газетасининг редактори Р. А. Сафаров, «Звезда Востока» журналининг редактори С. П. Татур, Нукус давлат университети проректори Қ. Ўтениёзов, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари В. П. Ган, Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи партия ташкилотининг секретари С. А. Варелас, уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар кенгашининг аъзоси А. Т. Тўхтабоев сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини қизғин мақуллладилар. Улар Ўзбекистон зиёлилари жамиятни революцион янгилашнинг ҳозирги ғоят масъулиятли босқичида социализмнинг маънавий соғломлигини мустаҳкамлашга, совет кишиларининг битмас-туганмас маънавий имкониятларини ёрқин намоён бўладиган ижтимоий муҳитни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ваъда бердилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. Искандаров, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Активларнинг йиғилиши

ТЕРМИЗ, 19 март. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё области партия-хўжалиқ активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС XXVII съезди қарорлари асосида областда пулли хизматларни жадал ривожлантириш юзасидан партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов нутқ сўзлади.

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 19 март. (ЎзТАГ). Жиззах область Советининг бугун бўлиб ўтган сессиясида халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва хўжалик органларининг 2000 йилгача мўлжалланган область уй-жой комплекс программасини амалга ошириш вазифалари муҳокама қилинди.

Депутатлар область Совети ёшлар билан ишлаш доимий комиссиясининг ҳисоботини ҳам тингладилар.

Сессияда Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров нутқ сўзлади.

НАМАНГАН, 19 март. (ЎзТАГ). Наманган область Советининг бугун бўлиб ўтган сессияси қатнашчилари халқ депутатлари Советларининг, хўжалик органларининг 2000 йилгача мўлжалланган область уй-жой комплекс программасини амалга оширишга оид вазифаларини муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Б. Ҳакимов доклад қилди.

Сессияда область Советининг олдинги сессияларида айтилган таклифлар ва танқидий мулоҳазалар қандай амалга оширилаётганлиги ҳақидаги ахборот тингланди.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИДА УЧРАШУВ

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти фаоллари билан Марокаш Уламолари делегацияси аъзолари ўртасида 19 март куни бўлиб ўтган суҳбатда Марокаш ва Ўзбек халқлари маданияти, анъаналарининг муштараклиги, ҳамкорлик истиқболлари ҳақида гапирилди. Хабуслар ва Ислом ишлари министри Абдул Кабр Алави ал-Мдагри бошчилигидаги делегация диний ташкилотларнинг таклифига биноан СССРда меҳмон бўлиб турибди ва Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Шарқнинг Беруний, Ибн-Сино, Ал-Хоразмий, Форобий каби буюк мутафаккирлари ва олимларининг номлари сиз учун ҳам, биз учун ҳам қимматлидир, деди меҳмонларга мурожаат қилиб, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси Ф. Ғ. Тешабоев. Жамиятимиз муштарак тарихий анъаналарни ривожлантиришга ва айни вақтда маданий алоқаларга янги мазмун бахш этишга интилмоқда. Тошкент биродарлашган Марокаш билан яхши муносабатлар ўрнатган. Яқинда ана шу шаҳар делегациясини қувонч билан кутиб олган эдик. Маданият арбобларининг ўзаро бир-бирларига бориб-келишлари анъанага айланди. Чунончи, бу йил ёш ўзбек рассоми Б. Назаров ўз асарлари кўргазмаси билан Марокашда бўлди. У ҳамкасблари билан муттасил кўргазмалар алмашиб туриш ҳақида келишиб олди.

Мен Ўзбекистон ҳақида кўп ўқиганман ва эшитганман, энди Ўзбек халқи ҳаётини ўз кўзим билан кўриб турганимдан хурсандман, деди Абдул Кабр Алави ал-Мдагри. Биз ҳар томонлама алоқалар кенгайишини, шу жумладан, биродарлашган шаҳарлар — Марокаш ва Тошкент ўртасидаги алоқалар ривожланишини маъқуллаймиз. Буларнинг ҳаммаси — тинчлик ва мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу куни марокашлик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасига бордилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

• Дўстлик ва ҳамкорлик—байроғимиз

МАҲСУЛОТ СИФАТИ—КОРХОНА ШАНИ

ҲАЛИ ЯҚИНДАГИНА МАГАЗИНЛАРДА ҚАЛАШИБ ЁТГАН САМАРҚАНД ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАНИ ХУСУСИДА

Заводга 1981 йили ишга келгандим. Синфдошим Абдуғаффор Раҳимов билан бирга ишлай бошладик. Турмуш қурдик. Маълумки, янги рўзғорга биринчи галда холодильник зарур. Шаҳарга чиқдик. Қайси магазинга бормайлик, заводимиз маҳсулоти қалашиб турибди. Бирор киши ақалли ёнига келиб, эшигини тортиб кўрмайди. Тўғри, ўзимизнинг ҳам кўнглимиз «Минск» холодильнигида эди. Ўшанда илк бор корхона обрўси, шуҳрати ҳақида ўйладик. Дастлаб нега бу ерга ишга келдик, деган ўй азоб берди. Балки қишлоғимизга яқинлиги учундир? Эҳтимол, иш енгилроқ бўлса керак, деган хаёлга боргандирмиз?

Хуллас, анчагача магазинларга киришга уялиб юрдик. Ҳатто «қаерда ишлайсан?» деб сўраганларга колхозда деб жавоб қилган пайтларимиз ҳам бўлди. Бу орада «завод ёпиларкан» деган гап тарқалди. Марказий ва маҳаллий газеталарнинг қолоқлар ҳақидаги «илиқ» гаплари деярли ҳафтада бир марта биз учун «янграб» турарди. Ўшанда ҳам ҳар куни мухбир келарди. Ҳар ҳолда завод ўпирилишдан чиқишида уларнинг ҳам ҳиссалари бор.

Чунки, аввало, шароит яратиш ҳақидаги таклиф танқидий мақолаларда бўртиб турарди. Ишчиларнинг ҳам фикрлари шундай эди. Завод раҳбарияти алмашгач, ишни шароитни яхшилаш, қўл меҳнатини енгиллатиш, янгиликларни жорий этишдан бошлади. Цехларда ҳозир гуллар кўм-кўк бўлиб турганини кўрасиз. Психологик енгил тортиш деб ном берилган хоналарда ишчилар чарчоқ чиқаришади. Жамики қулайликларга эга бўлган спорт залида йиғитлар, қизлар саломатликларини мустаҳкамлаяптилар. Корхона спортчилари катта мусобақаларда иштирок этаяптилар. Хизматнинг ҳамма тури бор. Ҳатто авиабилет сотиладиган касса ҳам корхона ичида. Бўш пайтларда ёшлар барга йўл олишади, мусиқа тинглашади, кинофильм кўришади. Аэробика клуби фаолият кўрсатяпти. Шахматчиларимиз областда иккинчи ўринни олишди. Хуллас, ҳамма шароит яратилди. Душхонадан тортиб саунагача, болалар боғчасидан теннис мактабигача ишчилар ихтиёрида.

Ким ана шундай шароитда виждонан, ҳалол-покиза ишламайди? Ахир шу корхонага боғланиб қолдик. Энди ишчиларимиз магазинга кирганда холодильниклар қалашиб ётганини кўриб ўзини кечира олмайди. Меҳнати билан ўз корхонасига шуҳрат келтиришга интилади. Бу — биринчи омил.

Иккинчиси, давлат қабулига тайёргарлик ва ўтиш чоғидаги ҳаракатлардир. 1986 йилнинг ноябрь, декабрь ойларида давлат қабули шароитида ишладик. Аввалига ҳаяжонландик, қўрқдик, хафа бўлдик. Баъзан брак маҳсулотни ўтказиш учун «жанг қилишга» тўғри келди. Аммо давлат қабули корхонамиз шуҳратини ошириш учун катта имконият эканлигини дарров англаб олдик. Фақат бизнинг бригадани олиб қарайдиган бўлсак, ўшанда маҳсулотнинг 40—50 процентигача қайтганди. Ҳозир эса биз тайёрлаётган эҳтиёт қисмларнинг 98 проценти дастлабки тақдимдаёқ қабул қилинмоқда.

Агар 1985 йил якунида тайёрлаган маҳсулотимизнинг 24 проценти қайтарилган, кўплаб рекламациялар келган бўлса, ўтган йил сарҳисоби бўйича қайтарилган маҳсулот 0,7 процентни ташкил этди. Бу, албатта катта натижадир. Илгари магазинга киришга уялган бўлсак, энди фахр билан корхонамиз номини баралла айта оламиз.

Яқинда министрлик бизга машинасозлик корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш Бутуниттифоқ бирлашмасининг ҳисоботини ҳамда «Техноинторг» бирлашмаси техник марказининг таҳлилларини юборди. Унда шундай сатрлар бор: «Польшалик дўстларимиз «Снежинка —М» холодильникларини катта қизиқиш билан олаётганликларини айтдилар. Улар бу холодильниклар сифати, шароитга мослиги ва бошқа қулайликларини алоҳида таъкидламоқдалар».

Хўш, бу сатрларнинг аҳамияти нимада? Ўтган йили польшаликлар мамлакатимизда тайёрланаётган 9 хил холодильникдан олишди. Ҳатто «Минск — 15М» сингари довруғи кетган холодильникка ҳам эътироз билдиришди. «Чинор — 3», «Донбасс—98» холодильниклари электр сарфи нормативларига жавоб бермайди, деб топишди. Чунки, дунёда энг машҳур, энг тежамли холодильниклар Польшада тайёрланади-да.

Ўтган йили июнь ойида ПХРнинг Познань шаҳрида 59-халқаро ярмарка ўтказилди. Унда жаҳоннинг 38 та йирик мамлакати 3850 та экспонат маҳсулоти билан иштирок этди. Ярмарканинг олтин медали Польшанинг «Полар 284А» холодильнигига берилди. Ана шундай талабчан мамлакатнинг эътиборини қозониш эса заводимиз шуҳратини яна ҳам ошириди. Польшаликлар ўтган йили 30 мингта «Снежинка—М» холодильнигини харид қилишди. Бу йил яна ҳам кўпроқ сотиб олиш учун шартнома тузишди. Шунингдек, ўтган йили чет эллардаги харидорларимиз сони яна ўттиз мингта кўпайди.

Афғон биродарларимиз ҳам заводимиз маҳсулотини ола бошлашди. Қайси бир хонадонга «Снежинка—М» холодильниги кириб борса, ўша ерда дўстимиз бор деб ҳисоблаймиз. Чунки у ҳар лаҳзада, музхона ишлаб турганда Самарқанд корхонаси юрагининг тепишини ҳис этади. Демак, биргина ўтган йили 29 минг 700 афғон хонадонига Самарқанд ишчиси меҳнати меваси кириб борди. Хитойлик дўстларимиз ҳам маҳсулотимизни харид қила бошлашди. Ўтган йили уларга 500 та холодильник етказиб бердик. Бу йил эса улар кўпроқ сотишимизни сўрашган.

Албатта, бу ҳар бир ишчини хурсанд этади, айни пайтда маҳсулот сифати учун жонкуярлик масъулиятини ўн чандон ошириб юборади. Энди унинг қалбида чекинмаслик, яна ҳам олдинга чиқиб олиш туйғуси яшайди, барқ уради. Бригадамиз ишчилари — Меҳри Хидирова. Зулайҳо Раҳмонова, Гулнора Омонова, Матлуба Турсунова ва бошқалар дам олиш соатларида шу ҳақда ўйлаймиз, фикрлаймиз, яна ҳам самаралироқ ишлаш йўлларини кидирамиз.

1987 йилни корхонамиз яхши якунлади. Маҳсулот реализацияси плани ошириб уддаланди. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш 102 процент бўлди. Усиш суръати эса 146,9 процентга етди. Меҳнат унумдорлиги ошди. Унинг ўсиш суръати қариб 120 процент бўлди. Умуман, 143 минг 45 та харидоргир холодильник ишлаб чиқарилди.

Ҳали резервларимиз, муаммоларимиз ҳам кўп. Ҳар бир киши билан индивидуал ишлаш самарасини ошириш даркор. Ҳозир завод бўйича истиқбол йўлига чиқилди. Аммо орамизда қолоқлар бор. Уларни илғорлар сафига қўйиш даркор. Ҳал қилишимиз керак бўлган шу каби вазифалар турибди. Жумладан, корхонамизда 170 киши квартира кутиб навбатда турибди. Бу масалани тезроқ, узил-кесил ҳал этиш шарт.

Ҳозир Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлик жараёнида коммунист сифатида ана шулар ҳақида ўйладим. Ҳали яқиндагина умуман ёпилиши ҳақида гап бўлаётган корхона қисқа вақт ичида қаддини ростлади. Бу корхона ҳўжалик юритишнинг янги шароитида дадил одимлаётгани, йирик бирлашмага айлангани қайта қуришнинг шарофати деб билдим ва бу ҳақда ёзишга қарор қилдим.

Фақат буни мақтаниш деб тушунманг. Оддий ишчининг ўз корхонаси фаолиятидан қалбида жўш урган фахр туйғуси бу! Ҳар бир ишчи ана шундай фахр туйғуси билан яшаса, унга эришиш учун интилса, қайта қуришнинг иккинчи босқичи самаралари яхлит кўзга ташланиб бораверади. Жаҳон стандарти талабининг ўзи шу.

Кубарро ТУРСУНОВА,
Самарқанд «Электробитмаш» бирлашмаси тайёрлов-штамплаш ва пайвандлаш цехи ишчиси, область Совети депутати.

• Бугун—Уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни

Хушкайфият ижодкорлари

Ўн иккинчи беш йилликнинг муҳим социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан уй-жой-коммунал хўжалик ва маиший хизмат иши қай даражада ташкил этилганига ҳам боғлиқ. Афсуски, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон мамлакатимиздаги охирги ўринлардан бирида турибди. Хизматлардан фойдаланиш даражаси иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан икки ҳисса паст. Республикамизда беш йиллик бошидан буён қарийб 20 миллион сўмлик кам маиший хизмат кўрсатилди. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати паст, хизмат маданияти бугунги юксак талаблар даражасида эмас.

Кўркамлик, қулайлик, яхши хизмат инсонга дам олиш вақтидагина эмас, балки унинг меҳнат фаолияти жараёнида ҳам жуда зарурдир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз биринчи навбатда ҳисоботдаги чиройли рақамларни эмас, балки конкрет инсоннинг, оиланинг, меҳнат коллективининг муаммолари ва юмушларини кўра билишни таъкидламоқда.

Меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш бугунги куннинг партиямиз иқтисодий сиёсатининг бош вазифасидир. Хизмат соҳаси ишини яхшилашдаги сезиларли ўзгаришлар эса иқтисодий кўрсаткичларни оширишга сўзсиз таъсир қилиши шубҳасиз.

Қайта қуриш жараёнида уй-жой-коммунал хўжалигини бошқариш системаси ҳам такомиллашмоқда. Уй-жой фонди техник ҳолатни ҳисобга олиш, уй-жойлардан фойдаланишда оператив диспетчерлик назорати, капитал ва жорий ремонтни бажариш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда илғор фантехника ютуқларидан фойдаланилмоқда.

Соҳа ходимлари шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатиш масалалари билан шуғулланмоқдалар. Жамоат транспорти ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Янги-янги маршрутлар очилмоқда.

КПСС XXVII съезди хизмат ходимлари олдига буюртмачиларга маълум қулайлик яратиш, уларнинг қимматли вақтларини тежаш, хизмат маданиятини юксалтиришдек муҳим вазифаларни қўйган. Ана шу мақсадда маиший хизмат соҳаси хўжалик юритишнинг янги методига ўтказилган. Ҳозир корхона ва қурилишларда, ишчи ётоқхоналарида бевосита хизмат кўрсатиш кенгаймоқда. Хизмат соҳаси корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари тармоғи одамларнинг иш, ўқиш ва яшаш жойларига яқин қилиб, оқилона жойлаштирилиши бугунги куннинг талабидир.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, хизматнинг янги-янги турлари ва методларини ўзлаштириш республикамиз хизмат соҳаси ходимлари олдида турган муҳим вазифалардандир.

Суратда: Уй-жой-коммунал хўжалик ва маиший хизмат ходимларидан бир группаси. Биринчи қаторда (чапдан ўнгга): Хотин-қизлар сартароши С. А. Арутюнян, «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари В. В. Зупарова, «Ташгорфото» суратчиси, уруш ва меҳнат ветерани Б. Е. Гершенгиш, бошқарманинг слесарлари бригадири Г. А. Халилов, (иккинчи қаторда) «Таштеплокоммунэнерго»нинг электр пайвандчиси П. В. Яковлев, «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг газ-электр пайвандчиси В. И. Султонов, «Индпошив» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 28-ателъеси бичиқчиси И. Г. Зиновьев, Собир Раҳимов районидаги 95-уй-жойдан фойдаланиш бошқармасининг сантехниги С. С. Демихов, «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг газ электр пайвандчиси А. Г. Альберг ўртоқлар.

В. Молгачев фотоси.

Социалистик ҳаракат инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қиладики, бу вақтда ҳар қандай миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари биринчи марта ўлароқ ҳозирги миллий ғовлар йўқотилган бир шароитда интернационалистик бирликни туғдириш йўли билан қондирилади.

В. И. ЛЕНИН.

Куни-кеча редакциямизда «Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги Давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия ва совет ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари, маориф ва адабиётимиз вакиллари иштирок этишди. Давра суҳбати ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлигининг ҳаётбахш кучига бағишланди.

Қайта қуриш, янгича фикрлаш ва яшаш даврида миллатларнинг ўзаро яқинлашуви ва республикамиз тараққиётининг истиқболлари, ёш авлоднинг интернационал тарбияси ва бу соҳадаги долзарб муаммолар ўртага ташланди.

Қуйида ана шу Давра суҳбатининг қисқача мазмунини диққатингизга ҳавола этамиз.

«Совет Ўзбекистони» Давра суҳбати

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — ҲАЁТ ТАРЗИМИЗ

Суратда: Давра суҳбати қатнашчилари. В. Молгачев фотоси.

Биз одамларнинг миллий манфаатлари ёки миллий ҳис-туйғуларига дахлдор барча нарсаларда ниҳоят даражада эътиборли ва назокатли бўлишимиз, кўп миллатли жамиятимизнинг турмушидаги ғоят хилма-хил вазифаларни ҳал этишда барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари жуда фаол қатнашишларини таъминлашимиз лозим.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Қатрада қуёш акси

Борис ЕФРЕМОВ: Тошкент шаҳар Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари:

— Интернационалист бўлиш учун ўз миллати тўғрисида ўйлабгина қолмай, барчанинг манфаатини, уларнинг озодлиги ва тенг ҳуқуқлилигини устун қўйиш керак. В. И. Ленининг бу сўзлари ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга. Қайта қуриш ва жадллаштириш авж олган айни кезларда ягона халқ хўжалиги комплекси манфаатлари миллатлараро алоқани, халқлар ўртасидаги дўстликни янада кучайтиришни, ҳар бир совет кишисининг кўп миллатли ягона коллектив иши учун масъулиятини оширишни тақозо этади.

Чилонзор районида бутун мамлакатимиз қиёфасини кўриш мумкин. Унинг ўзи интернационализмнинг том маънодаги тимсолидир. 300 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда 70 дан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилмоқда. Районнинг уй-жой кварталлари қардош республикалар меҳнат вакиллари қўли билан бунёд этилган. Райондаги гўзал кўчалар, саройлар, майдонлар, метро станцияси Халқлар дўстлиги номини олгани ҳам бежиз эмас.

Меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш диққат марказида турибди. Айниқса, ўқув юртларида, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида ёшларни тарбиялашга партия, меҳнат ва уруш ветеранлари кенг жалб этилмоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар, жангчи-интернационалистлар тез-тез ёш авлод билан учрашувлар ўтказмоқдалар. Ҳар бир ўқув юртида ташкил этилган интернационал дўстлик клублари иши, айниқса диққатга сазовордир. Мактабларда митинглар ва бирдамлик ярмаркалари, сиёсий қўшиқлар ва плакатлар конкурслари ўтказиш анъана бўлиб қолди. Ўқувчилар Тинчлик фондига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, яқинда 164-мактаб бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб, тушган 360 сўм пулни Тинчлик фондига ўтказдилар. Бир қатор мактабларнинг ўқувчилари эса меҳнат чоракларида ишлаб топган маблағларини шу фондга бердилар. 182-мактаб педагогика коллективи «Менинг Ватаним — СССР» экспедиясини уюштирмоқда.

Район меҳнат аҳли ўртасида «Кўчалар байрами» «Халқ ижодиёти фестивал-конкурси», «Дўстлик карнавали», «Биз яшаётган уй», байрамлари, конкурсларини ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Район партия комитети меҳнат коллективларида интернационал тарбия бўйича олиб борилаётган ишларни тадқиқот этиш, мактабларда рус тилини ўқитиш аҳволини ўрганиш юзасидан бир қатор ибратли ишлар қилди. Ўтказилган социологик тадқиқотлар бу соҳада ҳали кўпгина муаммолар борлигини ҳам кўрсатди. Бу муаммолар эса изчиллик билан ҳал этилмоқда.

Саодат ГУЛАҲМЕДОВА, Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати:

— Борис Владимирович миллатларнинг аҳил-биродарлиги ҳақида жуда яхши гаплар айтдилар. Партиямизнинг ленинча халқлар дўстлиги сиёсатининг ҳаётий кучини ўз тақдиримда яхши биламан.

Мен 1937 йилда Озарбайжонда туғилганман. Лекин 5 ёшимдан бошлаб Ўзбекистонда катта бўлганман. 30 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. Бирон йил йўқки бригадамиз пахта тайёрлаш планини бажармаса. Негаки бизда аҳиллик, ягона мақсад учун курашиш одатга айланган. Бригадада озарбайжон, ўзбек, тожик, рус, корейс, уйғур ва бошқа ҳамма миллатлар бирлашган. Шу туфайли бўлса керак, тўй қилсак ҳаммамиз бир ота-онанинг боласидай бош-қош бўламиз.

Бригадамизни олайлик. Ўтган йил 40 центнердан ҳосил берилди. Бу йил ҳам 40 центнердан бўлди. Ҳалол ишладик. Ҳалолликни ҳеч ким енголмайди. Бошқа республикадан келганимни ё бошқа миллат вакили эканлигимни бу ерда сезмадим. Фақат меҳнат қилган киши эъзозланишини, у ким бўлмасин жамият манфаати учун ишлаш қадр-қиммат ўлчови эканлигини кўрдим. 20 ёшимда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлдим.

Озарбайжонга борганимда: Озарбайжонни севасанми, Ўзбекистонними деб сўрашди. Онам қуёш, дадам ой бўлган деб айтишади. Ўзбекистон мен учун она, дедим. «Ўзбекистонда Сизни жуда тўғри тарбиялашган, инсон қаерда туз тотса ўша ернинг иззатини жойига қўйиши керак», — дейишди залдагилар.

Биз турли миллат вакиллари бир мақсад — мўл-кўллик йўлида меҳнат қиляпмиз. Бизнинг ана шу мақсадимизга олимларимиз ҳам қўшилишса-ю, пахтанинг серҳосил эртапишар, толаси сифатли навини яратишса. Айниқса ҳозир бизда ҳар икки-уч йилда навлар алмаштирилиши сабабли деҳқонлар иши мураккаблашиб қолмоқда. Бир навнинг агротехникаси тўла ўрганилмай туриб, бошқасига алмаштирилмоқда.

Халқлар дўстлиги — улуғ неъмат

Эркин ВОҲИДОВ: — Ўзбекистон ССР халқ шоири:

— Замон ўтиши билан тушунчалар, муносабатлар, дунёқарашлар ўзгаради. Кеча ҳақиқатнинг нақ ўзгинаси бўлиб кўринган ҳодиса бугун сохта чиқиб қолиши мумкин, бугун ишонган қадриятларимиз эртага ўз қимматини йўқотиши мумкин. Лекин бир қадрият каттаю-кичик учун, қирғизу-молдаван учун, демократу-бюрократ учун, қайта қуриш жабҳасидаги аҳллар курашининг ўнгу-сўл қиргоғидагилар учун — ҳамма, ҳаммамиз учун бирдек азиз ва мўътабар. Бу — социалистик турмушнинг улуғ неъмати бўлган халқлар дўстлигидир, ленинча интернационализм ғоясидир.

Осмонда юлдузу сайёралар айланади, олтин қозиқ эса ўз мавқеида туради. Узоқни кўзлаган йўлчи ярақлаб кўринган Зуҳрага қараб эмас, гул-гул бўлиб яшнаган туркумларга қараб эмас, ўша ўрта ёруғликдаги, кўзни алдамайдиган, вафодор юлдузга қараб борар манзилини белгилайди. Куни кеча Москвада миллатлараро муносабатлар масаласини муҳокама қилган ёзувчилар пленумида ўтириб шу фикр хаёлимдан ўтди.

Ўша мажлисда ўтириб, яна бир нарсадан қаноат ҳосил қилдим. Сўзга чиққан барча ёзувчилар — русми, украинми, қозоқми — ўз она тилининг, ўз халқи маданияти, тарихи, табиатининг фидойиси эканини намойиш қилдилар. Бу жуда муҳим ва қадрли туйғу. Негаки, ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини на билсин, деган гап бор. Улуғ мамлакатимизнинг улуғ бойлиги — бу тиллар, маданиятлар ранг-баранглигидир.

Биз бу ранг-баранглиқни сақлабгина бирбиримизни қадрлай оламиз. Олам рангинлиги билан гўзал. Дунёда барча тиллар йўқолиб, бир тил қоладиган бўлса — у хоҳ инглиз тили бўлсин, хоҳ бошқа дунё тили бўлсин, бундай «бирлик»нинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Мен яна бир нарсадан фахрланаманки, ўзбек халқи ўз она тили, ўз мусиқаси, шеъри, миллий табиатини яхши сақлаган халқ. Чинакам интернационалист бўлган халқ ўз маданияти қадрига етади. Ўзбек халқи ҳам ана шундай халқ.

Эй сен ёзилмаган буюк достоним,
Мовий кўз, малласоч болакайларга
Она бўлган менинг Ўзбекистоним.

Биз қадрига етишимиз керак бўлган яна бир неъмат — бизга миллатлараро робитани бахш этган, маданиятимизга равнақ ва жаҳоний даража берган, юздан ортиқ тилда гаплашувчи одамларни жам қилолган рус тили бўлмаса халқларимиз тиклаган бино Бобил минораси бўлар эди.

Мен олам биладиган ҳақиқатларни такрорлаяпман. Негаки, ҳали рус тилини ўрганиш ишида қусурларимиз кўп. Ўз юртимнинг, республикамнинг куюнчаги, фарзанди сифатида орзу қиламанки, ўзбек боласи қаерга борса тили бурро, ўзи шахдам, юзи ёруғ, тортишса тортиша оладиган, ўз она тилида ҳам, рус тилида ҳам, қолаверса чет тилларнинг бирида ҳам гаплаша оладиган йигит-қизлар бўлса.

Имона СУЮНОВА: Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базаси сут-товар фермаси звено бошлиғи;

— Инсон ғамхўрликни гўдаклигидаёқ ҳис этади, деганлари рост. Мен ҳам партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини ёшлик вақтимдаёқ англаганман.

Онам молдаван, отам қрим татар миллатига мансуб кишилар бўлишган экан. Мен отаонамни кўрмаганман. Уларнинг меҳр-муҳаббатига тўймаганман. Чунки, болалар уйида тарбияланганман.

Болалар уйи, унинг меҳрибон тарбиячилари мени ўз фарзандларидай меҳр билан вояга етказишди. Илм бериш билан Ватанни севиш, дўстликни қадрлаш, ҳалол меҳнат қилишни ўргатишди. Мен ҳозир айрим мамлакатлар болаларининг аянчли қисматини телевизордан кўриб, газеталардан ўқиб Советлар мамлакати миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барчага баробар эркинлик, бахтли ҳаёт берганини чуқур ҳис қиляпман. Шундай замонда, шундай ҳур мамлакатда яшаётганимдан фахрланаман.

Болалар уйида тарбияланувчилар орасида турли миллат болалари бўлишига қарамай, биз ҳаммамиз бир оиланинг қондош ога-иниси, опа-сингилларидек яшаганмиз.

Назаримда мен меҳнат қилаётган коллектив ҳам оилани эслатади. Боиси, фермамизнинг ўзида турли миллат вакиллари бир тану бир жон бўлиб ишламоқдалар. Улар орасидаги дўстлик ришталарининг чамбарчас боғланиши меҳнатда янги ютуқларни қўлга киритишда яқиндан ёрдам бераётир.

Ҳа, бизнинг коллективимиз иноқ. Масалан, сафдошларимдан қозоқ Жойлова Рая, татар Кашпаева Тайра, улар ҳар иккаласи ҳам звено бошлиғи, ёки ўзбек Деҳқонова Замира 15 ёшда бўлишига қарамай чорвадор бўлишга аҳд қилган. У онасининг яқин ёрдамчиси, бузоқбоқар.

Молбоқарлардан немис Газонканф Адольф, ўзбек Орифжонов Солиҳ аҳил-иноқ ишлашади.

Бир қарашда миллатимиз ҳар хил. Лекин мақсадимиз, интилишимиз, дилимиз битта. У ҳам бўлса мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшадиган ҳиссамиздир.

Меҳнат қилган, элда азиз, деганларидек, ҳалол ишлаган ҳар бир киши пешона терига яраша ардоқланади. Қисқаси мен яшаётган, ишлаётган муқаддас ерим — менинг она-Ватанимдир. Демак, она-Ватан, Коммунистик партия олдидаги фарзандлик бурчимни ҳалол меҳнатим билангина оқлашим мумкин.

Меҳнатим — зийнатим

Ризо СУЮНОВ, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базаси сут соғувчиси:

— Мен ёшлигимдаёқ, ўрта мактабнинг 4-синфида ўқиётган пайтимдаёқ онам билан бирга фермага келиб, сигир соғувчиларнинг меҳнатини кузатардим. Бу ерда турли миллат вакиллари — ўзбеклар, руслар, татарлар, тожик ва қозоқларнинг аҳил оила бўлиб умуммеҳнатига ҳисса қўшаётганликларини кўрардим. Менда ҳам шу ерда ишлаш ҳаваси тобора ортиб борарди.

Мен униб-ўсган оилани ҳақли равишда интернационал оила дейиш мумкин. Чунки онамнинг онаси — яъни бувим молдаван миллатига, бувам эса — қрим татар миллатига мансуб бўлган. Бугунги кунда биз бошқа миллат вакиллари билан дўстлик ва аҳилликда яшамоқдамиз.

Чунки биз дўстлик ўлкаси — Ўзбекистонда яшамоқдамиз. Шу юрт бизга қувонч, обрў берганидан бошим осмонда, қўлим қўксимда. Мен ҳам шу ўлкада туғилиб, мамлакат Озиқ-овқат Программасига камтарона ҳисса қўшаётганлигимдан бахтиёрман.

Партия ва ҳукуматимиз менинг меҳнатимни юксак тақдирлади. Сигирлардан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олганим учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим. Бунинг учун Советлар мамлакатидан, менга обрў-эътибор берган серқуёш ўлкадан миннатдорман.

Хўжалигимизда ёшлар кўп. Улар аҳил, дўст, албатта. Энг қийин пайтда бир-бирларидан сира ёрдамларини аямайдилар. Бирга меҳнат қилишади, бирга дам олишади. Аммо хўжалик, район ташкилотлари ёрдамига муҳтожмиз. Ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиши учун дискотека бўлиши керак. Клубимиз эса доимо берк.

Б. ЕФРЕМОВ: — Ана шу муаммони ҳал қилиш учун ўзингга нима иш қиляпсиз? Ахир ёшлар талаб қилибгина қолмай, ташаббускор ҳам бўлишлари керак-ку? Партиямизнинг ҳозирги талаби шуки, қайта қуриш даврида ёшларга кенг йўл очиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва айни пайтда шу ташаббусни амалга оширишда авангард бўлишини таъминлашдир.

Р. СУЮНОВ: — Биз ҳам шундай қиляпмиз. Хўжалигимиз ёшлари чорвадорларнинг Бутуниттифоқ конкурсида ғолиб чиққанлари учун туристик саёҳатларга йўлланмалар билан мукофотланишяпти. Ана шу саёҳатларда бўлиб қайтиш ҳам уларнинг онгини, дунёқарашини кенгайтиради, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Б. ЕФРЕМОВ: — Мен йигирма йил «Ташсельмаш» заводида токарлик қилдим. Корхонада спорт майдончалари, турли-хил иншоотлар, дам оладиган биноларни қуриш лозим бўлиб қолганида уни ҳашар йўли билан ўзимиз қурганмиз. Ана шу анъанани изчил давом эттириш керак. Ана шундагина ёшлар ўртасида ўзаро аҳиллик, ҳамкорлик кучаяди.

Ўқитишни такомиллаштирайлик

Саодат ТУРСУНБОЕВА, Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 73 мактаб рус тили ўқитувчиси:

Ўқитувчи кадрлар тайёрлаш институтларидан бошланади. Бироқ олий ўқув юртларида ҳам рус тили ўқитиш методикаси етарли даражада эмас. Ҳар бир талаба билан яккамаякка шуғулланиш принципи қўлланилаётган айни пайтда ўқитувчилар студентларни таълим бериш жараёнида назорат қилиб туришса, яхши бўлмасмикан? Чунки, кўпгина талабалар, бўлажак педагогларнинг ўқишга лоқайдлиги туфайли мактаб ўқувчиси азият чекмоқда. Ҳатто шундай ҳоллар учрайдики, рус тили фанини мактабга келиб келган ўқитувчидан кўра ўқувчи яхши билади. Шу туфайли бизнингча, малакали рус тили ўқитувчилари тайёрлаш ишига жиддий эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

С. ГУЛАҲМЕДОВА: — Қишлоқларда рус тилини ўрганишни кучайтириш тўғрисида алоҳида ўйлаш зарур. Амалда эса шундай бўлмаяпти. Қишлоқ аҳли рус тилини яхши билмайди. Қолаверса, рус тилидан дарс берадиган ўқитувчилар ҳам бу улуғ тилни яхши ўзлаштирмаганлар, дарс пайтида қийналиб қолмоқдалар.

С. ТУРСУНБОЕВА: — Бунинг сабаби, институтга ўқишга келган собиқ мактаб ўқувчиларининг тилни билмаслиги, институтда ўқиш даврида эса ўзига нисбатан масъулият сезмаслигидадир. Илмни яхши эгалламаган собиқ студент мактабга борганида ўқувчиларга қандай қилиб рус тилидан малакали дарс бера олсин. Айтмоқчиманки, институтларда студентларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, улар билан якка тартибда иш олиб боришни йўлга қўйиш керак.

Шавкат НУРИДДИНОВ: Калинин районидаги «Қорасув» совхози бригада бошлиғи:

— Рус тилини яхши ўзлаштириб олмаганликлари учун ҳам қишлоқ ёшлари Совет Армияси сафига чақирилганида ғоят қийналиб қолишяпти.

Б. ЕФРЕМОВ: — Мен ўз навбатида рус тилидаги мактабларда ўқувчиларга ўзбек тилини ўргатишни кучайтириш зарур деб ҳисоблайман. Шундай қилиш керакки, ҳар бир миллат вакили фақат рус тилини билибгина қолмай, ўзбек тилида ҳам бемалол сўзлашадиган бўлсин.

ЭРКИН ВОҲИДОВ: — Фарзандларимиз келажагини фақат рус ва ўзбек тилларини ўрганишгина белгиламайди. Улар чет тилларни ҳам билишлари керак. Масалан, ўзбек ва рус тилларини она тили даражасида ўзлаштирсалар, инглиз ёки француз тилини мулоқот қилиш даражасида билишлари керак. Чет элдаги ёшлар камида 3—4 тилда бемалол гаплаша оладилар. Тил билиш ўша халқнинг маданиятини, адабиётини, техникасини билиш дегани, бошқача айтганда замонавий маданиятли инсон бўлиш дегани.

С. ГУЛАҲМЕДОВА: — Сизнингча тил ўрганишни осонлаштириш учун нима қилиш керак?

Э. ВОҲИДОВ: — Аввало киши ўзини ўзи ана шунга мажбур қилиши керак. Бундан ташқари техника воситаларидан, чунончи кинофильмлар, дисплей, магнитофонлар ва бошқа воситалардан фойдаланиш зарур. Ҳозир телевизори, магнитофони бўлмаган бирорта оила йўқ.

С. ГУЛАҲМЕДОВА: — Ҳар бир колхоз ва совхоз ўзининг радиоузелига эга. Аммо, негадир, фақат ўзбек тилида эшиттиришлар ва концертлар берилади. Рус тилидаги эшиттиришларни эса камдан-кам тинглаш мумкин. Бир неча марта бунинг сабабини суриштирдик. Аммо тайинли жавоб ололмадик. Хўжалик партия ташкилотлари ана шунга алоҳида эътибор берсалар дуруст бўларди.

Ш. НУРИДДИНОВ: — Биз яна шуни ҳам истардикки, колхоз ва совхоз раҳбарлари далага ишлаш учун ёрдамчи керак бўлиб қолганидагина мактабга ҳашарчи олиш учун эмас, балки ўқитувчидан қандай ёрдам керак-лигини сўраш учун тез-тез келиб туришлари лозим.

С. ГУЛАҲМЕДОВА: — Бу ерда ҳафтанинг бир кунини рус тили куни қилиб белгилаш ва шу куни оилаларда, корхоналарда, мактабларда, кўчаларда рус тилида сўзлашни одат қилиш керак-лиги ҳақида гап бўлди. Жуда ҳам тўғри фикр. Бунга айниқса қишлоқларда зўр бериш зарур.

Дўстлардан миннатдорман

Алламхон УЗОҚОВ, «Главташкентстрой»нинг «Висотстрой» трестига қарашли 17-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Тожик фарзандиман. Асли Косонсой шаҳрига яқин Тагижар қишлоғиданман. Ўзбек ва тожик халқи азалдан бир-бирларига қуда-анда бўлиб келишган. Урф-одатимиз ҳам, қалбимиз ҳам бир-биримизга жуда яқин. Шу боисдан бўлса керак, ҳар икки халқ ўртасидаги дўстлик чуқур илдиз отган. Ҳаётда нимаики муваффақиятга эришган бўлсам, уларнинг барчаси халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик, самимийлик туфайлидир.

Мана, ўзимнинг бригадамни мисолга келтирай. Бригадамда ҳам турли миллат кишилари ишлашади. Уларни мен бир оилага бирлашган оға-иниларга ўхшатгим келади. Улар орасида бетончи Собиржон Юнусхонов уйғур, монтажчи Эркин Раҳматов ўзбек, бетончи Бесенбай Ембергенов қозоқ, пайвандчи Александр Ковалев рус. Биз бир-биримиз билан жуда иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб ишлаймиз. Бир кишининг муваффақияти бутун бригадани қувонтиради. Бир кишининг қувончи — ҳаммамизнинг қувончимиз. Бир кишининг ташвиши барчанинг ташвиши. Бир сўз билан айтганда қувончимизни ҳам, ташвишимизни ҳам биргаликда баҳам кўрамиз. Туғилган кунларимизни биргаликда нишонлаймиз.

1967 йилда зилзила оқибатларини тугатишдаги хизматларим учун республика Олий Совети Президиуми «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотлади. Тўққизинчи беш йилликдаги муваффақиятларим учун СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдим. Учинчи беш йилликдаги социалистик мусобақа якунлари учун «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени. 1986 йилда ўн биринчи беш йиллик якунларига кўра Ленин ордени олдим.

Шу кунларда бригадамиз аъзолари ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили планини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очилиши кунигача бажариш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Кези келганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, партиямизнинг бугунги кундаги ошкоралик сиёсатини бригадамиз аъзолари маъқулламоқдалар. Бу уларни янада унумли ишлашга даъват этмоқда.

МИРЗАЛИЕВ Аёз Октябрь ўғли, «Ташсельмаш» заводи 2-йиғув цехининг токари, цех комсомол ташкилотининг секретари:

— Менинг цехимиз ишчилари сафига қўшилганимга унча кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида коллективнинг меҳрини, ғамхўрлигини кўрдим. Дастлабки кунданоқ тажрибали токарь Қурбон Умаралиев мени ўзига шогирд қилиб олди. Ўзи нимани билса ҳаммасини ўргатди. Ҳаёт дарсини ҳам берди. Тўлақонли ишчи бўлиб олишимга ёрдам қилди. Қ. Умаралиевни бутун цех коллективи ҳурмат қилиб уста дейди. Чунки кўп кишилар ундан ҳунар ўрганишган.

Мана ҳозир ўзим ҳам мураббийман. Устозимдан ўрганган токарлик сирларини шогирдим Дамир Давидовга имкони борича кўпроқ ўргатишга ҳаракат қиляпман. Ишончим комил: у ҳам эртага заводга янги келган ёш ишчига ҳаётдан, меҳнатдан сабоқ беради, фақат ҳунар ўргатибгина қолмай, унинг ҳам чин инсон бўлиб етишишига ёрдам беради. Устоз ва шогирдликнинг шарти шундай.

Бир оила фарзандларидек аҳил бўлиб кетган цехимиз коллективи турли миллатдан бўлсалар ҳам мақсадлари муштарак: партиямиз XXVII съезди қўйган вазифаларни изчил амалга ошириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Кунлик ва ойлик план-топшириқлари мунтазам ошириб бажарилмоқда. Ҳар куни 150 ўрнига 155-160 комплект эҳтиёт қисмлар тайёрлаяпмиз. Коллективимиз меҳнатининг унуми ва сифатни таъминлашда айниқса Евгений Ивлев, Евгений Ли каби кекса ишчиларнинг тажрибаси қўл келяпти. Биз — комсомоллар мураббийлар тажрибасини қадрлаймиз. Улардан кўпроқ ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Ш. НУРИДДИНОВ. — Хўжалигимизни ҳақли равишда интернационал коллектив деса бўлади. Чунки бизда ўндан ортиқ миллат вакиллари ҳалол меҳнат қилиб, бахтли яшамоқда. Масалан, бизнинг бригадани олсак, бу ерда қозоқлар, тожиклар ва ўзбеклар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишяпти.

Турли миллат вакилларининг дўстлиги, интернационализм руҳида тарбиялангани туфайли эришаётган ютуқларимиз ҳам салмоқли бўлмоқда. Масалан, ўтган йили хўжалигимиз бўйича пландаги 6200 тонна ўрнига 8221 тонна сабзавот, 419 тонна картошка, 110 тонна қулупнай, кўплаб чорва маҳсулотлари етиштирилиб, давлатга сотилди. Бригадамиз бўйича эса 585 тонна ўрнига 840 тонна сабзавот, пландаги 120 тонна ўрнига 130 тонна картошка етиштирилди.

Интернационал бригадамиз аъзолари бригада пудрати асосида ишламоқдалар. Бунинг натижасида ютуқларимиз ҳам тобора кўпайиб бораётир. Ишчиларнинг даромади ҳам анча ошди.

Мен татар фарзандиман. Шу ерда туғилиб ўсдим. Отам ҳам шу ерда туғилган. Улуғ Ватан урушида Ватан учун ҳалок бўлган. Мен 1966 йилда қишлоқ хўжалик институтини сиртдан битирдим. Ўшандан бери бригада бошлиғиман.

Фаровон ҳаёт учун, халқларимизнинг бузилмас дўстлиги учун партия ва ҳукуматимизга раҳмат.

Ошкора, эркин, очиқчасига фикр олишув пайтида мамлакатимиз турли миллат ва элатларининг аҳил, ягона оиласига хос дўстлик ва ҳамкорлик ҳисси жамиятимиз меҳнаткашларя қон-қонига сингиб кетганлигини яна бир бор кўрсатди. Интернационализм ва бурчга садоқат ҳисси жадаллаштириш ва қайта қуриш даврида янада зўр куч билан, ёрқинроқ намоён бўлаётганлигини акс эттирди.

ЯКШАНБА САҲИФАСИ — ЯКШАНБА САҲИФАСИ

ОЛИСГА ЮГУРИШ ЗАВҚИ

Бугун Яйпан шаҳрида «Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун марафонча югуриш ва спортча юриш бўйича республика мусобақаси байроғи кўтарилади

Югуриш, олис масофага пиёда юриш инсон барча ҳаракатларининг гултожисига айланмоқда. Бундай ҳаракат иштиёқмандлари сафи кенгайиб бормоқда. Албатта, кўча-кўйда югуришни ёки олисга пиёда юришни эп билмай, андишага борыш, мутахассислар таъбири билан айтганда, киши билмас саломатликни бой беришдир. Ваҳолонки, инсон меҳнатини такомиллашган техника, электроника ва компьютерлар ўз зиммасига олаётган замонда кам ҳаракатликка қарши кураш, фаоллик ва жисмоний машқларни одат қилиш тан-саҳатлик омилига айланмоқда. Шу боис соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш, самарали меҳнатдан кейин бўш вақтни оқилона ва мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

● ТАШКИЛОТЧИЛИК САМАРАСИ
● СОВРИН КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН!
● МАРАФОНЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА
● МАҲОРАТ ВА ИҚТИДОР

«Совет Ўзбекистони» газетаси соврини учун олис масофага югуриш ва спортча юриш бўйича анъанавий республика мусобақасининг ташкил этилиши ва мунтазам ўтказилаётганини кенг спорт жамоатчилиги хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлаётганлиги, жойларда марафончилар сафини кенгайтиришга эътибор қилинаётганлиги қувончли, албатта. Зеро, совриндорлик баҳсини бошлаш, ташкил этиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Боиси, марафонча югуриш ва спортча юриш 70-йилларнинг охирига келиб республикада спортнинг кам ривожланган турларидан бирига айланган эди.

Мусобақа байроғи илк бор кўтарилиб, марафончилар марра сари биринчи марта интилган Чирчиқ шаҳридаги мусобақага бор-йўғи 20 га яқин спортчининг жалб этилгани ҳам шундан эди. Қалдирғоч югурувчилар орасида бир неча разрядли спортчиларни ҳисобга олмаганда уларнинг маҳорат ва иқтидори ҳақида фикр юритиб бўлармиди?

Жиззах ва Фарғона шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақалар совриндорлик баҳсига қизиқиш ортиб бораётганлиги, югурувчилар машқи тобига етаётганлигини кўрсатди. Бу шаҳарларда мусобақа иштирокчилари 100 га яқин кишини ташкил этди. Ўша кезларда ангренлик Владимир Белобродов, бухоролик Раис Насибуллин билан Николай Башкирцев ҳамда андижонлик Тоир Темировлар етакчи спортчилардан ҳисобланарди. Косонсой, Шаҳрисабз, Каттақўрғон шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақалар ҳам ўзига хос спорт байрамига айланди. Марафончиларимиз 200 кишига яқинлашиб қолди.

Фарғона областининг навқирон шаҳарларидан бири Яйпан эса югурувчи-ю мутахассисларга маъқул келди. Чунки бу ернинг ҳавоси, югуриш маршрути Иттифоқ миқёсидаги мусобақалар талабига жавоб беради. Шунинг учун ҳам 1985—1986 йилларда ўтказилган баҳслар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Соврин учун курашда область командалари қатори мамлакатимиз турли шаҳарларидан келган спортчиларнинг ҳам қатнаша бошлаши мусобақа географиясини янада кенгайишига имкон берди.

Бу сафар газета соврини учун мусобақа байроғи ўннинчи марта кўтарилади. Совриндорлик баҳси газетанинг 70 йиллиги юбилейига бағишланиши марафончиларга кўтаринки руҳ бахш этади, деган умиддамиз. Мусобақанинг кескин ва муросасиз бўлиши кутилмоқда. Жами 14 команда, 200 дан зиёд марафончи марра сари интилади. Югурувчи ва юрувчилар орасида 50 дан ортиқ спорт мастери, халқаро классдаги спорт мастерлари бор.

Соврин учун курашда иштирок этиб келаётган марафончилардан 10 дан кўпроғи СССР терма командасига аъзо эканлиги ҳам бошланган ишнинг самарасидир. Дастлабки мусобақаларда қатнашиб, ғолиблик супасига кўтарилган марафончилар бугунги кунда жамоатчилик асосида мураббийлик ҳаракатини йўлга қўйишган. Ҳозир мухлислар фарғоналик Тамара Усмонова, Венера Карасаева ҳамда Зура Мустафоева номлари билан фахр қилинади. Сирдарёлик Нодия Усмонова, бухоролик Улуғбек Маъмуров, Навоийдан Владимир Кочегаров, Андижондан Василий Андреев билан Равиль Губайдулин, тошкентликлар Роза Шайхутдинова, Рустам Низомов, Дамир Мингазов каби марафончилар етакчи спортчилар сифатида эътироф этилмоқда.

Сирасини айтганда, республикамизда спортнинг мазкур тури янада ривожланиши ҳамда оммавийлик касб этиши мумкин эди. Лекин барча областларда бундай хайрли ишга хайрихоҳлик қилинмоқда, деб бўлмайди. Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ва Бухоро областларининг командалари мусобақада иштирок этиш узлуксизлигини таъминламоқдалар. Лекин ҚҚАССР, Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё областларида мусобақага марафончиларни ҳозирлаш, уларнинг маҳоратларини оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Навоий ва Хоразм областларининг вакилларини мусобақа иштирокчилари дейиш қийин. Сурхондарё областидан 10 йил мобайнида мусобақага биронта ҳам марафончининг юборилмаганлиги ташвиш туғдиради. Шунга қарамай, марафон оммавийлик касб этишида собиқадамлик кўзга ташланмоқда. Иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда кўрсатилаётган натижалар шундан далолат бермоқда.

Бугун Яйпан шаҳрида ўзига хос спорт байрами. Олисга югурувчи ва юрувчилар ўн икки масофа бўйлаб баҳслашадилар. Мусобақа иштирокчилари ёшларига қараб группаларга бўлинган. Катта ёшдаги спортчилар марафон масофа — 42 километр 195 метрга югурсалар, ёшлар 20—30 километрга югуриш ва юриш бўйича мусобақалашадилар. 5—15 километрли масофалар ҳам бор. Бундай қисқа йўлларни танлашдан мақсад ўсмирлар машқини тобига етказиш, иқтидорли марафончиларни тарбиялашдан иборат. Демак, мусобақа мобайнида республика марафончилари резервига ҳам аҳамият берилади. Бир сўз билан айтганда, республикада югуриш завқидан баҳра олиш ихлосмандлари кўпайиб бормоқда. Олис масофа курашида биринчи бўлиш — совриндорлик баҳсининг шиори. Ҳа, марафончилар республика мусобақаси дадил одимламоқда.

Ҳ. НОСИРОВ.

● ТАШВИШЛИ СИГНАЛЛАР

КАРТОШКА ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Андижон область Хўжаобод районидаги «Победа» колхози деҳқонлари экин-тикин арафасида мушкул аҳволга тушиб қолдилар. Хўжалик омборида сақланаётган 92 тонна уруғлик картошканинг 8 тоннасигина қолибди, холос. Колхознинг «ишбилармон» раҳбарлари қўшни хўжаликларга 40 тоннадан ортиқ сара уруғликни сотиб юбордилар, 44 тоннаси эса узоқ сақлаш учун мосланмаган бинода чириб кетди.

Афсуски, бу республика учун фавқулодда ачинарли ҳодиса эмас. Самарқанд областининг Булунғур районида 980 тонна уруғлик картошканинг ярми қиш фаслида ўраларда чириб кетди, Андижон область Жалолқудуқ районидаги хўжаликларда бир килограмм ҳам уруғлик йўқ. Бухоро область хўжаликлари 1300 тоннадан ортиқ уруғлик картошка олган эдилар. Ана шу уруғликнинг 80 проценти исроф бўлди ёки умумий овқатланиш корхоналарига ва бозорда сотилди. Тошкент областининг сабзавотчилик хўжаликлари 3790 тоннага яқин уруғликни бошқа областларга, ҳатто Қозоғистонга, шунингдек, аҳолига сотиб юбордилар.

Тошкент область ижроия комитети ва область агросаноат комитети ўзининг узоқни кўзлаб иш тутаолмаслигини кўрсатди. Мазкур ўрганларнинг буйруғи билан «Ўзсортсемовошч» бирлашмасининг область базаларидан пахтакор хўжаликларга истеъмол қилиш учун 3 минг тоннадан ортиқ уруғлик картошка жўнатилди. Республика Давлат агросаноат комитети номига бирлашма юборган ташвишли мактубга жавобан телефон қўнғироғи жирингладб: «Берилсин!» деган буйруқ овози эшитилди.

Ўзбекистонда йилдан-йилга картошка етишмай қолябди. Бозорларда унинг нархи ақл бовар қилмайдиган даражада қимматлашиб, бир ярим сўмга чиқиб кетди. Бу уруғлик картошкани ўйламай-нетмай талон-тарож қилаётган кишиларнинг ўтакетган масъулиятсизлиги, хўжасизлиги оқибатидир.

Вазият жиддий тус олганлигини тушунган республика Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари бўлбўлга тушиб қолиб, ўзларича чора кўрдилар: СССР Давлат агросаноат комитети орқали Белоруссия ва Украинадан пландан ташқари 30 минг тонна уруғлик картошка келтиришга рухсат олдилар. Бу билан республикада рўй берган вазиятни бартараф этмоқчилар...

Лекин уруғлик фондини оммавий равишда талон-тарож қилишдек система яна қўлланилмасмикин?

А. БЕЗВЕРХОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ФОЙДАСИНИ БИЛМАГАН...

Навоий шаҳридаги автомобилларни газ ёнилғиси билан таъминловчи станция ўзининг туғилган кунини ёлғиз нишонлади. Бечора, нима ҳам қилсин. Худди бир йил аввал бўлганидек, кунига 500 та автомобилни газ ёнилғиси билан таъминлашга мўлжалланган мазкур корхона бир кеча-кундузда бор-йўғи 15 та машинага хизмат қилди.

Иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган янги ёнилғининг қадрига «Навоиоблгаз» идораси ходимларигина етдилар. Идорадаги барча машиналар газ билан ишлай бошлади. Натижада корхона ҳар бир автомобиль ҳисобига ойига 180 сўмдан пул тежаб қола бошлади.

— Область автомобиль хўжаликлари раҳбарлари машиналарни газ билан ҳайдаш қанчалик фойдали эканини тан олмаётганликларига тушуниш қийин. Бир литр бензин 30 тийин туради, 1 килограмм газ эса 7 тийин, — дея ажабланади «Навоиоблгаз» бошлиғи М. Аҳадов. — Бензин газга қараганда бир неча баробар заҳарлироқ эканлиги кўпчиликка маълум.

Агар машиналар газ билан юргазишга ўтказилганида шаҳар ҳавоси анча тоза бўларди. Шусиз ҳам «Навоиазот», электрохимия ва цемент заводлари сингари корхоналар чиқараётган моддалардан ҳаво бўлғанмоқда.

— Янги станция қурилаётганлигини бизга айтишмаган эди, — дея баҳона қилади Зарафшон кон-металлургия комбинати автобазаси директори М. Аҳмедов.

С. РУХМАЛЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ҲАЛОК БЎЛГАНЛАРГА ВА ТИРИК ҚОЛГАНЛАРГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМИЗ

19 март куни республикамиздаги энг катта концерт зали — В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида хайрия кечаси ўтказилди. Ундан тушган маблағ интернационалчи-жангчилар хотирасига Тошкентда ҳайкал ўрнатиш фондига топширилади.

Кеча доирасида Совет маданияти фонди республика бўлими томонидан ташкил этилган «Ҳалок бўлганларга ва тирик қолганларга таъзим қиламиз» концерти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг етакчи санъат усталари, шоирлар, ҳаваскор ижрочилар иштирок этдилар.

Улар орасида Афғонистонда оғир ҳаёт мактабидан ўтган кишилар ҳам бор эди. Тошкент экскаватор заводининг рандаловчиси, «Шўровий» ҳарбий-ватанпарварлик клубининг аъзоси Виталий Востриков Афғонистон диёрида хизмат қилган вақтида ёзилган ўзининг «Тумор» номли ашуласини айтиб берди. «Жасурлик учун» медали билан мукофотланган Борис Ливиев жангчилар орасида машҳур бўлган «Гумбаз» қўшиғини ижро этди.

Концертдан аввал фарзандлари интернационал бурчини бажариш вақтида ўз ҳаётини қурбон қилган солдатлар оналарининг учрашуви бўлиб ўтди. Саройнинг кенг дам олиш жойларида Тошкент Театр ва рассомчилик институтининг собиқ студенти, Афғонистонда ҳалок бўлган С. Тўраҳўжаев чизган расмлар кўргазмаси, шунингдек, Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги консулхонаси тақдим этган катта фотоэкспозиция очилди.

● *Биз — интернационалистларимиз*

АФҒОНИСТОНЛИК БОЛАЛАР ЎҚИШМОҚДА

Тошкентдаги 11-умумтаълим республика мактаб-интернатида Афғонистондан келган юз ўғил ва қиз бола рус тилини ўрганмоқда. Бу ерда улар бошқа фанларни ҳам, жумладан она тиллари — дари ва пушту тилларини ҳам эгаллашяпти.

Афғонистонлик ўқувчилар бўш вақтларини файзли ўтказишяпти. Тикув-бичув, тасвирий санъат, радио ва бошқа тўгаракларда қатнашишмоқда. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидаги машғулотларга 20 га яқин ўғил бола қатнаётир.

СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкентдаги ўт ўчириш — техника билим юртининг курсантлари афғонистонлик болаларга яқиндан кўмак беришяпти. Ҳадемай ўқишлар тугайди. Афғон болалари Фарғонадаги пионерлар лагерларида дам олишади. Суратда: лингафон кабинетидаги машғулот пайти.

Ф. Қурбонбоев фотоси (ЎзТАГ).

● РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БОШДАГИ ЮК ЕНГИЛРОҚМИ?

Африкалик аёллар азалдан бошда оғир юк кўтаришади. Бунинг сири нимада экан!

Италиялик ва кениялик олимларни шу савол қизиқтириб қолди. Мавжуд маълумотлар компьютерда ишлаб чиқилди. Юкни бошда кўтарган киши энг замонавий рюкзакдаги юкни қулай ортмоқлагандагига кўра қанча кўп энергия йўқотади! Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, африкалик аёл ўн беш килограмм юкни кўтарганида (у ўз оғирлигининг тахминан йигирма фоизи демакдир) ортиқча бир калория ҳам сарфламайди ва худди юксиз кетаётгандай хотиржам юради. Эллик килограммли бир той нарсани кўтарганида эса, шунча юкни рюкзакда кўтарган саёҳатчига қараганда икки карра кам куч сарфлайди.

Олимлар бу кашфиётларни изоҳлашга шошилишмаяпти.

ТВ — ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА — ТВ

21 МАРТ, ДУШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Футбол шарҳи. 9.35 — «Сибирлик аёл». Бадиий фильм, 1 ва 2-серийлар. 11.45 ва 15.55 — Янгиликлар. 16.05 — Қайта қуриш прожектори. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — «Агидель» рақсга тушади. 17.10 — Агросаноат ишлари ва ташвишлари. 17.40 — Қувноқ стартлар. 18.25 — Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 19.10 — Футбол шарҳи. 19.40 — «Мақола». Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Мақола». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.50 — Дунё воқеалари. 24.00 — «Баллада». Фильм-концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 — Тарих. 10.05 — Итальян тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Товарак-атроф билан танишиш. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.55 — «Чўққилар зийрак». Бадиий фильм. 14.20 — «Советский патриот». Киножурнал. 14.30 — Янгиликлар. 14.40 — «Министр бўлмоқчиман». Бадиий фильм. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Халқаро панорама. 19.35 — Музикали киоск. 20.00 — «Самарқанднинг мовий гумбазлари». Ҳужжатли фильм. 20.15 — Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Портрет вариациялари билан. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Хоккей. МАСК — «Динамо» (м). 23.45 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 16.45 — Болалар учун фильм. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Табиатшунослик. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Колокольчик. 19.00 — Бошланғич партия ташкилотининг тажриба ва муаммолари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Феруза Солиҳова рақсга тушади. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Салом, баҳор!» 23.15 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.35 — Биз қандай дам оляпмиз. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Осойишта застава». Бадиий фильм. 23.45 — Қиличбозлик. СССР кубоги.

●

22 МАРТ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Қувноқ стартлар. 9.50 — «Мақола». Фильм-спектакль. Танаффусда ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Чечен-Ингушия телевидениесининг программаси. 17.20 — ГДРда Япония ёш музикачиларининг чиқиши. 17.55 — Киноафиша. 18.25 — Халқ ижодиёти. 18.55 — Дунё воқеалари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Кинорежиссёр С. Н. Колосов билан учрашув. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Геликон» духовой оркестрининг чиқиши. 22.30 — Резонанс... 24.00 — Халқ куйлари. 00.15 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 — География. 10.05 Француз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — География. 12.05 — Француз тили. 13.05 — «Мана шунақа гаплар». Бадиий фильм. 14.45 — Янгиликлар. 14.55 — Қишлоқ янгиликлари. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Халқ куйлари Бутуннроссия декадаси. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Хоккей, «Спартак» — «Крылья Советов». 23.45 — Янгиликлар

УзТВ-I. 16.45 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 17.15 — Телефильм. 17.25 — Болалар учун кўрсатув. 18.00 — Илмий-оммабоп программа. 18.30 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Унутилмас сатрлар. Оғаҳий. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Унутилмас сатрлар. Оғаҳий (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.40 — Телефильм. 19.50 — «Кочубей». Бадиий фильм. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ракус».

●

23 МАРТ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут» 9.05 — «Қишлоқ хўжалиги». Киножурнал. 9.25 — Ҳайвонот оламида. 10.25 — ГДРда Японня ёш музикачиларининг чиқиши. 11.00 — Киноафиша. 11.30 — Халқ ижодиёти, 12.00 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — В. Берзон чалади (фортепьяно). 16.50 — Канн-куллар, наникуллар. 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Дунё воқеалари. 19.10 Шингил ҳикоялар антологияси. 19.40 Фильм-концерт. 20.00 — «Юбилейни қўтарайлик». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Халқ куйлари Бутуннроссия декадаси. 23.50 — Футбол. ГДР ва СССР Олимпия терма командаларининг ўртоқлик учрашуви.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 — Музика. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Тарих. 12.05 — Немис тили. 13.05 — Ҳужжатли фильмлар. 13.45 — Янгиликлар. 13.55 — Бу фантастик олам. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.40 — Реклама. 19.45 — Ритмик гимнастика. 20.15 — Қишлоқ кеча-кундузлари. 20.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Фильм-концерт. 21.30 — Время 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Греция — СССР терма командалари. 23.15 —«Иллюзион». «Қирқ биринчи». Бадиий фильм. 01.00 — Тонгги почта. 01.30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 16.45 — Болалар учун фильм. 18.05 — Жаҳон метеорология кунига. 18.25 — Регби. «Звезда» (Тошкент) — «Радуга» (Таганрог). 19.00 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Социалистик қонунчилик ва демократия. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Инқилоб куйчиси. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари асосида музикали кўрсатув. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.40 — «Жазирама қўёш остидаги уй». Бадиий фильм. 21.00 — Рус тили менинг тақдиримда. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — «Бизнинг ёшлик дамлар...». Бадиий фильм.

●

24 МАРТ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120-минут». 9.05 — Қишлоқ кеча-кундузлари. 9.15 — Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Греция — СССР терма командалари. 10.00 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 11.45 — Футбол. ГДР ва СССР Олимпия терма командалари. Ўртоқлик учрашуви. 12.30 — Янгиликлар. 12.40 — «Юбилейни қўя турайлик». Бадиий фильм. 15.50 — Янгиликлар. 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Болалар учун фильм. 17.25 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.10 — Инсон ва қонун. 18.40 — Дунё воқеалари. 19.00 — Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегатлари ва меҳмонлари учун концерт. 21.30— Время. 22.05 — Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 23.20 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Халқ куйлари. 9.35 — Илмий-оммабоп фильм. 10.35 — Испан тили. 11.05 — Болалар учун фильм. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.40 — Испан тили. 13.10 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — «Серенада» духовой чолғулар квинтети чалади. 14.00 — Янгиликлар. 14.10 — Бу фантастик олам. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.45 — Навбат сизга, артист. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Халқ куйлари Бутуннроссия декадасининг якунловчи концерти. 00.25 — Янгиликлар.

УзТВ-I 16.45 — Болалар учун фильм. 18.00 — Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар китобларн Бутуниттифоқ ҳафталиги. 19.00 — Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Зариповлар цирк сулоласи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Театр, изланишлар, муаммолар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Оилавий сирлар». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.40 — Хотира кунига. М. Бобоев. «Она қалби». Теленовелла. 20.30 — Телефильм. 20.50 — Реклама. 21.00 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Дин ва замон.

●

25, МАРТ, ЖУМА

МТ-I. 7.00 — «120-минут». 9.05 — Инсон ва қонун. 9.35— Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.00 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — «Карик ва Валянинг ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм, 1 ва 2-серийлар. 18.25 — Киночорак. 18.55 — Ю. Карчинский чалади (скрипка). 19.10 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фалсафий суҳбатлар. 20.15 — Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — М. Рожков (балалайка) ҳамда «Россия» рус халқ ансамбли чалади. 22.40 — Интерсигнал. 23.10 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — М. Безверхний чалади (скрипка). 9.35 — Илмий-оммабоп фильм. 10.35 — Инглиз тили. 11.05 — Болалар учун фильм. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.40 — Инглиз тили. 13.10 — «Осмон оёғимиз остида». Бадиий фильм. 14.25 — Янгиликлар. 14.35 — Бу фантастик олам. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ёзги вақтга ўтиш ҳақида. 18.55 — Ҳайвонот оламида. 19.55 — Реклама. 20.00 — Афғон тупроғидаги учрашувлар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Шеърият лаҳзалари. 20.50 — В. Камишев чалади (фортепьяно). 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Инсон ва унинг номи». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 12.00 — Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар музикаси Бутуниттифоқ ҳафталиги ва республика «Санъат байрами» кўрик-конкурсининг очилиши. 16.45 — Болалар учун фильм. 18.05 — Фильм-концерт. 18.40 — Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 19.10 — Комсомол прожектори. 19.20 — Мультфильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Машинасозликда фан-техника тараққиёти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Муножот» фольклор ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Хотира кунига. СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов.

УзТВ-II. 19.45 — «Разведкачилар». Бадиий фильм. 21.00— Телефильм. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ўлган кишининг мактублари». Бадиий фильм.

●

26 МАРТ, ШАНБА

МТ-I. 7.00—«120 минут». 9.00 —О. Денисенко ижросида қадимий романслар. 9.20—Ҳаракат хавфсизлиги учун. 9.50 —Ҳужжатли фильм. 10.25 — СССРда Ҳиндистон фестивали. Танаффусда — Мультфильмлар. 12.35 — Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати. 13.05 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.50 — Ҳайвонот оламида. 14.50 — Дунё воқеалари. 15.10 — «Ишонмоқ ва билмоқ». Бадиий фильм. 16.30 — Ёзги вақтга ўтиш ҳақида. 16.40 — Академик Л. И. Абалкин билан учрашув. 18.25 — Хотира. 19.00 — 9-студия. 20.00 — Мультфильмлар. 20.30 — Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Кинопанорама. 23.45 — Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Истиқбол. 9.35 — Н. В. Гоголь. «Ревизор». 10.25 — Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 10.40 — Здоровье. 11.25 — Дин ва сиёсат. 12.00 — Умрнинг бойиқ бўлсин Ер! 13.00 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.05 — Камалак. 15.35 — Бу фантастик олам. 16.30 — Унутилмас музикали кечалар. 17.00 — «Муҳаббат чўриси». Бадиий фильм. 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Қадрдон ўлка тароналари. 19.15 — «Осмон оёғимиз остида». Бадиий фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Реклама. 20.50 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Инженерлик корпуси. 23.45 — Физкультура-спорт программаси. 01.15 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси ташкил топганлигининг 70 йиллигига. 11.00 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 12.00 — Ўзбекистон спорти. 12.30 — «Пахтамиз оппоқ эди». Спектакль. 14.00 — Китоб дўстлари. 14.40 — Ёшлик. 15.25 — Халқаро Х Тошкент кинофестивали олдидан. 16.25 — Мультфильм. 16.40 — Самарқанд. 17.45 — Тенгдошлар. 18.30 — Телефильм. 18.45 — Ёдгорлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Хат ва ҳаёт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Хотира кунига. СССР халқ артисти М. Тургунбоева. 21.30 — Время. 22.05 —Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Халқаро театр кунига.

УзТВ-II. Фрунзе. 14.00 — Мультфильм. 15.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.45 — Рус тили — барчага. 17.20 — Халқаро ҳаёт. 18.00 — Оқ терак, кўк терак. 19.00 — Болалар ва ўсмирлар музикаси. 19.35 — «Керемет» ансамблининг концерти. 20.00 — Мезгил. 20.30 — Халқаро театр кунига. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Тез кунда экранларда... 22.20 — «Эҳ шумтакалар». Бадиий фильм.

●

27 МАРТ, ЯКШАНБА

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.40 — Гимнастика. 9.00 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 9.40 — Спортлото. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Саёҳатчилар клуби. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 15.25 — Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати. 16.30 — Ералаш. 16.40 — Сиз бунга қодирсиз. 17.25 — Камалак. 17.40 — Шеърият лаҳзалари. 17.45 — Илмий-оммабоп фильм. 18.40 — Халқаро панорама. 19.25 — Мультфильм. 19.45 — «Клим-Самгин». Бадиий фильм ҳақида санъатшунослик доктори Л. Аннинский сўзи. 19.55 — Халқаро театр куни. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. «Динамо» (К) — «Спартак». 24.00 — Концерт. 01.00 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Онамларнинг мактаби. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.20 — Портретлар. 11.25 — Рус тили. 12.00 — Саёҳатчилар клуби. 13.00 — Фан: назария, тажриба, практика. 13.30 — Халқаро театр куни. 14.30 — Прагада халқаро театр куни. 16.50 — Стол тенниси. Европа чемпионати. 17.35 — Телевизион музикали абонемент. 18.35 — Стол тенниси. Европа чемпионати. 19.00 — Фан ва техника. 19.10 — Фильм-концерт. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Югуришнинг фойдаси ҳақида ҳужжатли фильм. 20.55 — Спорт гимнастикаси. Халқаро мусобақалар. 21.30 — Время. 22.05 — «Бир-биримизни тополсак». Бадиий фильм. 23.25 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.30 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Биргаликда куйлаймиз. 10.50 — Хотира куни. «Мен халқимнинг юрагида яшайман...» 11.20 — Сизлар учун учрашувлар. 12.00 — Инсон ва табиат. 20.30 — Телефильм. 13.00 — Дўстлик экрани. 14.00 — Светофор. 15.00 — «Наташахоним». Бадиий фильм. 16.25 — Спорт шарҳи. 17.15 — Реклама. 17.40 — Санъат ғунчалари. 18.10 —Ўзбекфильм — 87. Йил якунлари. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Хотира куни. Б. Зокиров. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Хотира куни. Ҳаёт излари... 21.30 — Время. 22.05 — Хотира куни. Барҳаёт наволар. 23.05 — Телефильм.

УзТВ-II. Душанба. 18.30 — Оила даврасида. 19.00 — Янгиликлар. 19.15—Театр учрашувлари. 20.00 — Ахбор. 20.15 — Телефильм. 20.40 — «Шашмақом» дурдоналари. 21.30 — Время. 22.05 — Садо.

Р. — 10653. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 66. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12